# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА   adolat_sdp@doda.uz ● www. adolat.uz ● № 23 (828) ● 2011 йил, 27 май, жума



ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ: фаолият мутаносиблигининг таъминланиши ва ўзаро таъсир механизмларини янада такомиллаштириш масалалари

...давлатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббуси ўзининг том маъноси ва мазмунига кўра, мустақил мамлакатимизда демократик ривожланиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида янги босқич бошланганини, бу эса жуда катта тарихий аҳамиятга эга эканлигини далиллаб турибди.

3-бет

РЕЛЬС ЎҒРИЛИГИМИ ЁКИ ҚЎПОРУВЧИЛИК?

...туни билан поездларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлаган темир йўлчилар тонгга яқин захира рельс устига оқ бўр билан ёзилган дўқ-пўписадан иборат ёзувга кўзлари тушди. Шундан сўнг ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари пухта режа асосида суриштирув ишларини жадаллаштирдилар. Тезда қўпорувчилик жиноятини содир этган тўда аъзоларининг шахси аниқланди ва қуйидагилар қўлга олинди.

7-бет

“ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДУР...”

Ҳаёт сиру синоатларга, синовларга тўла. Бу синовлар ичра енгилмай, арзимас манфатлар учун ўзни бой бериб қўймай, иймонни саломат сақлаб қолиш улуғ бахт ва улуғ ироддан далолат. Зеро, иймонни асраш — Ватанни асраш демак. Ватанни севиш эса иймондандур...

8-бет




## Ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратининг аҳамияти


**Ш.ЯКУБОВ,**
Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзоси, юридик фанлар номзоди.


Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ҳуқуқий модернизация жараёнлари натижасида демократик институтларнинг аҳамияти ортиб, уларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрни ва роли юксалиб бормоқда. Бундай институтлардан бири олий вакиллик органи — парламент ҳисобланади. Жамият сиёсий тизимида парламент ролининг ортиб бориши давлат бошқарувида халқнинг иродасини янада тўлиқроқ ифодалашга хизмат қилади. Парламент фаолиятининг асосий йўналиши қонун ижодкорлиги ҳисобланса, унинг яна бир муҳим функцияси сифатида парламент назоратини кўрсатиш мумкин.

Парламент назорати — мамлакатни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у ҳуқуқий давлатнинг муҳим мезони ҳисобланган — қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли рўёбга чиқаришга ҳамда жамиятда парламентнинг ролини юксалтиришга хизмат қилади. Парламент назорати — давлат ва жамият ҳаётига оид энг муҳим масалалар юзасидан парламентнинг муносабатини, қараш ва ёндашувларини акс эттирадиган муҳим сиёсий-ҳуқуқий жараён ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида парламент назоратини янада юксалтириш ҳозирги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Президентимиз Ислом Каримов “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир”, деб номланган маърузаларида таъкидлаганларидек, “...парламентимиз олдида турган ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир”.

Дарҳақиқат, парламентнинг назорат функциясини такомиллаштириш орқали қонунларнинг ижро ҳокимияти томонидан қай даражада амалга оширилаётганлиги ўрганилади, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун яна қандай қонунлар зарурлиги аниқланади, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қандай муаммолар мавжудлиги намоён бўлади ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади ҳамда конституция ва қонунларнинг устуворлиги таъминланган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалда тўлиқ ўз ифодасини топишига эришилади.

Парламент назоратини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида сиёсий партиялар фракцияларининг мазкур жараёнда фаол иштирок этишини таъминлаш эътироф этилади. Фикримизча, сиёсий партияларнинг парламент томонидан амалга ошириладиган назорат функцияси самарадорлигини оширишга йўналтирилган амалий ишлари кўламини кенгайтириш лозим.

Мамлакатимизда мавжуд сиёсий партияларнинг парламентни, унинг фаолиятини, айнан шу фаолият йўналишларидан бири бўлган назорат функциясини такомиллаштириш борасидаги роли, таъсири ва аҳамияти беқиёс. Парламент аъзоларининг аксариятини амалдаги сиёсий партиялар вакиллари ташкил этишини эътиборга олсак, парламент назорати натижасида муайян сиёсий партиялар ўз электорати манфаатларини ҳам ҳимоя қиладилар.

Давоми 3-бетда »

## Парламент назоратининг кучайтирилиши

### ижро интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилади

**Фракция йиғилиши**


**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари, партия фаоллари, вазирлик ва ташкилотлар мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур мажлисда мамлакатимиз ҳаётига доир бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари даставвал кун тартибидаги биринчи масала — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидан келиб чиқадиган талабларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурини қизғин муҳокама қилдилар.

Мазкур дастурнинг мақсади — ниҳоятда муҳим ушбу қонуннинг қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича биринчи галдаги чора-тадбирларни белгилаб олишдан иборат. Уларнинг рўёбга чиқарилиши эса қабул қилинган қонун ҳужжатларини сўзсиз бажариш борасидаги ижро этувчи органлар фаолиятини назорат қилишда қонун чиқарувчи органнинг аҳамияти ва ролини оширишда, ваколатларини чинакамига кучайтиришга хизмат қилади.

Фракция аъзолари ушбу масалани кўриб чиқиш жараёнида дастурда белгиланган вазифаларга партиянинг сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ўз муносабатларини билдирдилар.

Давоми 2-бетда »

## Булоқбошида аҳвол ўнгланмоқда. Аммо...

**Маҳаллий ҳокимият кандай ишламоқда!**


**Файзулла АБДУЛЛАЕВ,**
«Adolat» мухбири.


Кейинги кунларда сиёсий партиялар фаоллари жамулжам бўлаётган йиғинларда яна сайловчининг кўнглини овлаш масаласи бош масала сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Бу эса партиялар учун сайловлар оралиғидаги сиёсий мавсумнинг кузи яқинлашиб, ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт узоқ эмаслигидан дарак бермоқда.

Одатда сайловчи бошқарув ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини йўлга қўйиган, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий билимларини оширишга, уларни фаоллаштиришга кўпроқ ҳисса қўшган партияга эътибор бераяпти.

Аммо биз фалон партиянинг аъзоси сифатида фуқаролик жамиятини ривожлантирамиз, дея кўкракка урганимиз билан у ривожланиб қолмас экан. Ёки биз давлат ва жамият ўртасидаги кўприкмиз, деганимиз билан амалий ишларга қўл урмасак, партиянинг ишончли кўприклиги ҳам қоғозларда қолиб кетаверади. Сиёсий партияларга эркинлик ва кенг сиёсий рақобат майдонини яратиб берган Конституциявий қонун кучга киргач, партиялар фаолларининг ҳаракатлари кучайгани рост ва бундан ҳар қанча қувонсак арзийди. Аммо бу ҳаракатлар бугунги кун талабига ҳар доим ҳам жавоб бермаётганлиги айрим жойлардаги депутатларнинг фаолсизлиги ва лоқайдлигида кўриниб қолаяпти.

Айтиш жоизки, Андижон вилоятининг Булоқбоши тумани мамлакатимизнинг энг ёш ҳудудларидан бири. 1991 йил 26 мартда ташкил этилган мазкур туманда 117 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мазкур ҳудудда кейинги пайтларда фаолиятини тугатган хўжалик юритувчи субъектларнинг кўпайиб бораётгани, кўрсатилган коммунал хизмат учун дебиторлик қарзи ва корхона ҳамда ташкилотлар қарздорлигининг ошиб бораётгани Булоқбоши тумани ҳокимлигининг жиддий бош оғриғига айланган. Келинг, шу ўринда мисолларга мурожаат қилайлик. 2010 йилда 70 та янгидан ташкил этилган хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинган ҳолда, 249 та худди шундай субъект тугатилган... 2010 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, электр таъминотидан умумий дебитор қарздорлик 388,5 миллион сўмни ташкил этган. Корхона ва ташкилотларнинг бюджет олдидаги дебиторлик қарзининг эса 1,3 миллиард сўмга яқинлашиб қолгани ҳам 2011 йил январигача ҳокимлик лавозимида ўтирган ХДП аъзоси М.Раҳимовнинг ўз ишига совуққонлик билан қарагани, ташаббускорлик ва изланувчанлик салоҳиятининг етишмаслиги ва халқ депутатлари туман кенгашида кўпчиликни ташкил этган O`zLiDeP (9 нафар) ва ХДП (7 нафар) депутатлик гуруҳларининг жамоатчилик назоратини йўлга қўя олмагани билан изоҳлаш мумкин. Тўғри, туманга Д.Махсутов раҳбар этиб тайинлангач вазият яхши томонга ўзгарди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони бирмунча ошди, қурилиш ободончилик ишлари жадаллашди. Аммо муаммолар етарли...

Хўш, бунинг сабаби нимада? Бунга кўпроқ маҳаллий ҳокимият органларидаги мутасадди раҳбарларнинг тадбиркорликка нисбатан ўгай муносабатда бўлаётгани, ўз навбатида ҳамон сен менга, мен сенга тегма қабилида иш тутаётган маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳларининг журъатсизлиги ва қатъиятсизлиги сабаб бўлмоқда.

Давоми 2-бетда »

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши раислари иштирокида мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси депутатлари, Марказий аппарат ходимлари иштирок этди.

## Фаолиятни мунтазам танқидий таҳлил қилиб бориш

### юқори натижаларга эришишда ҳалақит берадиган тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятини яратади

**Марказий аппаратда**


**Фарҳод ЭСОНОВ,**
“Adolat” мухбири.


Таъкидлаш жоизки, сиёсий соҳада амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар фаолияти тубдан жонланди. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида қабул қилинган, халқаро андозаларга жавоб берадиган ҳуқуқий асослар сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базасини яратиб, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи ва мавқеини, ваколатларини янада кенгайтириш ва фаолияти самарасини ошириш борасида янги имкониятлар яратди.

— Жамиятимиздаги муайян ижтимоий қатлам манфаатларини ифода этадиган Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ҳозирги вақтда юртимиз ҳаётида тобора муҳим ўрин эгалламоқда, — деди қуйи паладаги партия фракцияси аъзоси Қ.Жўраев. — Халқ орасида ўз дастури ва ғояларини тарғиб қилиш, фаоллигини ошириш ва кенгайтириш билан бирга, ўз аъзолари ва тарафдорлари сонини кўпайтириш, шу тариқа жамият ҳаётида таъсир доирасини кучайтириш имконига эга бўлмоқда.

Давоми 4-бетда »

## Фикрлашнинг сўлларча усули

### ёки ХДП нашрида босилаётган айрим танқидий мулоҳазаларга муносабат

**Муносабат**


**А.АБДУВАЛИЕВ.**


Навбатдаги парламент сайловларигача ҳали анча вақт бор... Аммо бугун матбуотда партиялараро ва фракциялараро рақобат мавзуси, жамоатчилик назорати хусусидаги мулоҳазалар, чиқишлар тез-тез кўзга ташланаяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, сиёсий майдонда ўз ўрнини сақлаб қолиш, мавқеини мустаҳкамлаш ва сайловчи ишончини қозонишни истаган партия фаолиятини янада кучайтиришга интилади. Маълумки, Юртбошимиз илгари сурган Концепцияда ўтган йиллардаги мустақил тараққиёт йўлимизни илмий-тарихий, мантиқий ва ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш баробарида мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятига ҳам муносабат билдириб, ҳар қандай муваффақиятга сиёсий партияларсиз эришиб бўлмаслиги, улар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг, айниқса, сайлов жараёнларида юртдошларимизнинг хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантириш ва жамоатчилик назоратини ўрнатишда муҳим таъсир ўтказувчи кучга айланиши катта аҳамият касб этаётгани алоҳида эътироф этилди.

Давоми 2-бетда »

# Парламент назоратининг кучайтирилиши

## ижро интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилади

« Давоми. Боши 1-бетда

**Қ.ЖЎРАЕВ,**
**Фракция аъзоси:**



— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидан келиб чиқадиган талабларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури бешта муҳим йўналишни қамраб олган. Хусусан, биринчи йўналиш "Ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш соҳасида" деб номланади. Ушбу соҳада бизнинг Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси жорий йилда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва унда сифат ўзгаришларини таъминлаш бўйича ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини ўрганиш мақсадида Қонунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг аҳволи: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари" масаласи юзасидан ҳисоботини эшитишни режалаштирган. Зеро, партиямиз сайловолди дастурида "Партия аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтиради. Бепул дастлабки тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайдиган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш, фармакология хизматлари тармоғини шакллантириш устидан назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга йўналтиради", деб таъкидланган. Кўриниб турибдики, Ижро ҳокимият вакилининг Қонунчилик палатаси йиғилишида ҳисоботини эшитиш масаласининг фракциямиз ташаббуси билан дастурдан ўрин олганлиги, партиямиз сайловолди дастуридан, қолаверса, электоратимиз ва сайловчиларимиз манфаатларидан келиб чиқади.

**А.РАҲМОНОВ,**
**фракция аъзоси:**

— Муҳокама қилинган чора-тадбирлар Дастурида «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш жадаллик билан ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси нуқтаи назаридан қараганда, ушбу қонун лойиҳасида парламент назоратини амалга ошириш механизмлари, унинг ҳуқуқий оқибатлари, парламент назоратининг объектлари бўлмиш марказий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишда Олий Мажлис палаталари ва қўмиталарининг ОАВ ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги каби ўта долзарб масалалар ўз ечимини топиши лозим. Шунингдек, Дастурга асосан «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳам муҳим вазифалардан этиб белгиланган. Ушбу қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан қўмиталар ёки депутатлар бирлашмалари ташаббусига кўра мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, давлат ички ва ташқи сиёсатининг у ёки бу масалалари бўйича «парламент эшитувлари» ўтказиш, шунингдек, қуйи палата ёки Сенатга тақдим этилган қонун лойиҳаларини (қонунларни) муҳокама қилиш тартибини: «парламент эшитувлари» ўтказиш муддатлари, механизми ва тартиб таомилини, уларнинг якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш тартибини назарда тутиши зарур.



**А.АҲАДОВ,**
**фракция аъзоси:**

— Ушбу дастурда парламент палаталарида бюджет лойиҳасининг муҳокамадан ўтиши жараёнини такомиллаштиришга ва бошқа масалаларни тартибга солувчи қонунларнинг айрим қоидаларини аниқлаштиришга қаратилган «Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш назарда тутилган. Мазкур лойиҳа қонунчиликда бюджет билан боғлиқ бўлган айрим ноаниқликларни бартараф этиб, парламент назорати институтини янада ривожлантиришга хизмат қилади.



Хусусан, унда Қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқилиши режалаштирилаётган "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда амалиётда қонунлар ижросини таъминлашга қаратилган. Парламент назорати ўтказилишидан асосий мақсад қабул қилинган қонунларнинг самарадорлигига эришишдир. Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси сифатида, ушбу қонун лойиҳасида "Парламент назоратини амалга оширишда бошқа давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилиш механизмлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши лозим", деб ҳисоблаймиз.

**К.ҲАМИДОВА,**
**фракция аъзоси:**

— Мазкур Дастурда Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларидаги ишлари самарадорлигини ошириш соҳасидаги вазифалар ҳам белгиланган. Унга кўра партиямиз фракцияси аъзоларининг аҳолидан тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш учун чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида терминаллар ўрнатиш борасидаги ишлар ҳолатини жойларга бориб ўрганиш назарда тутилган.

Бундан ташқари Қонунчилик палатаси депутатлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг профессионал малакасини ошириш бўйича ташкилий тадбирларни амалга ошириш соҳасидаги қатор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг амалиётда акс этиши сайловолди дастуримизни янада тўлароқ ҳаётга татбиқ этиш имкониятини кенгайтиради. Депутатларимиз ушбу масалани мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўрганиб, мониторинг ўтказиб қайтганларидан сўнг унинг натижаларига кўра соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан



кўрилаётган чоралар юзасидан Ҳукумат аъзоларининг, мутасадди молия муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини Парламент эшитуви доирасида тинглашни режалаштирганмиз. Шу тариқа, Парламент назорати институтини ҳаётга жорий этиш баробарида, сайловчиларимиз, электоратимиз манфаатларини янада кенгроқ ифода этишга ҳаракат қиламиз.

Кун тартибидан ўрин олган "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси фракция аъзоларининг мулоҳазаларига бой бўлди. Муҳокамалар асносида фракция аъзолари қонун лойиҳасини янада такомиллашувига хизмат қилувчи қатор таклиф ва тавсияларини беришди.

— Мазкур қонун лойиҳаси темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлашнинг миллий тизимини янада такомиллаштириш, инсон ҳаёти ва соғлиғига, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид соладиган фавқулодда вазиятлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқилганлиги билан жуда аҳамиятлидир, — деди фракция аъзоси И.Самиев. — Мазкур қонуннинг 12-моддасига таклиф этилаётган таҳририй ўзгартишда "...Йўловчи ёки бошқа шахс текширишни рад этган тақдирда у вокзал ҳудудига киритилмаслиги мумкин..." дейилган. Ушбу нормани "...Йўловчи ёки бошқа шахс текширишни рад этган тақдирда у вокзал ҳудудига киритилмайди...", деб қатъий чеклов ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, йиғилишда "Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"-ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари депутатлар муҳокамасига ҳавола этилди.

Депутатлар муҳокама этилган қонун лойиҳалари долзарблигини алоҳида эътироф этган ҳолда партия аъзолари ва электорат манфаатлари инобатга олиниб, уларни маъқуллашди. Ва шу асосда фракция нуқтаи назари белгилаб олинди.

# Булоқбошида аҳвол ўнгланмоқда. Аммо...

« Давоми. Боши 1-бетда

Мамлакатда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнлари ўрта синфнинг янада мустаҳкам оёққа туриши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, ўзини юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга масъул деб эълон қилган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг депутатлик гуруҳи, ҳудудий ташкилотлари нега сусткашлик қилмоқда. Ваҳоланки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ижтимоий-сиёсий барқарорлигининг кафолати ва таянчи, Ўзбекистонни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирувчи кучга айланганку, ахир.

Кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенгроқ имкониятлар бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувини янада камайтириш, уларга кредитлар, хомашё ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятини яратишга кўмаклашиш биринчи навбатда O`zLiDeP депутатлик гуруҳларининг асосий вазифаси бўлиши керак. Ваҳоланки, Булоқбоши тумани сайловчилари маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловда тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришга кўмаклашишини эълон қилган O`zLiDeP вакилларига кўпроқ ишонч билдиришганди. Муаммонинг юзага келишида ХДП депутатларининг ҳам масъулиятсизлиги кам эмас. Гарчи тадбиркорлик мавзуси ХДПга бевосита тааллуқли бўлмаса-да, ЎзХДПнинг 2010 йил 28 декабрда бўлиб ўтган III пленумида янграган маърузада тилга олинган фикрларга бир эътибор қаратайлик. Хусусан, ана шу маърузада «Одамларни тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш, нафақат уларнинг бандлигини, балки даромадларини ҳам оширади. Бу эса, табиийки, бюджетнинг ижтимоий-пенсия ва нафақага йўналтириладиган қисмини камайтиришга олиб келади» дейилади.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, айниқса, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Оддий фуқаролар билан суҳбатда бунга ишонч ҳосил қиласиз. Узоққа бормайлик, 2009-2010 ўқув йилида тумандаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими муассасаларининг битирувчилари сони 4710 нафарни ташкил этган бўлса, уларнинг 10-15 фоизи ҳалигача ўз иш жойларига эга эмас. ХДП ўзининг сайловолди дастурида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза ва жойлардаги бошқа муаммоларга ечим топишга ҳаракат қилишини мақсад қилган. Бироқ халқ депутатлари Булоқбоши кенгашида 9 нафар депутатга эга ХДП вакиллари келтирилган факт ва далилларни инкор этишлари аниқ. Бироқ суҳбатдошимиз, туман ҳокими Д.Махсутов маҳаллий кенгаш депутатлик гуруҳлари томонидан ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига доир амалий таклифлар берилмаётганини эътироф этди.

— Партияларимиз вакиллари туман сессияларидаги чиқишларида қуруқ ваъдалар, бесамар таклифлар бераётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз, — дейди ҳоким. — Кўп йиллик тажриба, яхши имкониятга эга бўлишига қарамасдан, кўпчиликни ташкил этувчи депутатлик гуруҳлари томонидан ижтимоий соҳада оддий ҳаётий муаммоларни ечишга қаратилган бирон-бир дастур ёки лойиҳанинг илгари сурилмаётгани кишини таажжубга солади. Тўғри, муаммолар кўтарилади, аммо унинг ижро механизмига келганда сукунат ҳукмрон. Биргина кам таъминланган оила фарзандларига кўмак кўрсатиш, ёшларни қўллаб — қувватлаш, қўшимча иш ўринларини яратиш борасида туман кенгашида кўпчилик депутатлик ўрнини эгаллаган партия вакиллари бирорта жўяли лойиҳа ёки дастурни таклиф қилганлари йўқ.

Булоқбоши тумани ҳокимлигининг шу номдаги газетаси бош муҳаррири А.Ғозиевнинг таъкидлашича, мавжуд муаммоларда фақат ижро ҳокимиятини айблаш адолатсизлик бўлади.

— Сайловолди ташвиқоти жараёнида партияларнинг кўплаб муаммоларни кўтариб чиқишига одатий ҳол, деб қараймиз. Чунки улар бу муаммолар замирида бутун аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилишади. Бу муаммолар ва уларнинг ечимлари, амалга ошириш механизмлари партияларнинг дастурида ўз аксини топиши шарт. Аммо биз партияларнинг чиқишларида фақат муаммоларнигина кўряпмиз, холос. Сиёсий партияларнинг туман кенгашларидаги ҳурматли вакиллари ўз чиқишларида таклиф билан бир қаторда уни амалга ошириш механизми ҳақида ҳам фикр билдиришса нур устига аъло нур бўларди, — дейди Абдумаҳмуд Ғозиев.

Тўғри, бугун пештоқига "Партия қабулхонаси" деган чиройли ёзувлар туширилган бинолар остонасини шунча фуқаро босиб ўтди, фалон қанотимиз фалонча, фалон қанотимиз эса писмадонча тадбир ўтказди, партиямизга фалонча обрў олиб келди, дейиш осон. Баъзан ана шу рақамлар семиртириб турган ҳисоботларни варақлаб ўз қилган ишларимизга ўзимиз ҳам маҳлиё бўлиб қолаяпмиз. Аммо бу рақам ва кўрсаткичларни яна сайловчининг олдига ташласак, унчалар тўғри бўлмаслигини туман ҳокимлиги ва бошқа мутасаддилар ҳам англашлари, хатолардан тегишли хулоса чиқаришлари керак.

# Фикрлашнинг сўлларча усули

## ёки ХДП нашрида босилаётган айрим танқидий мулоҳазаларга муносабат

« Давоми. Боши 1-бетда

Ҳақиқатан ҳам кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишда сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлидаги интилишлари, ана шу умуммиллий ғоя атрофида фуқароларимизнинг якдиллигини таъминлашга қаратилган ҳаракатлари ниҳоятда муҳимдир. Айниқса, мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишда сиёсий партиялар зиммасига ҳар қачонгидан кўра ўта масъулиятли вазифалар юкланаётир. Чунки, партиялар одатда жамиятда мавжуд бўлган камчилик ва нуқсонларни тузатишга, уларга ҳукумат эътиборини қаратишга интилади, адолатсиз курашларнинг олдини олади. Зеро, жамоатчилик назорати ўрнатилган жойда хато кам бўлади, турли даражада қабул қилинаётган қарорлар ижроси таъминланади.

Кейинги пайтларда жамоатчилик назорати ва партиялараро рақобат мавзусида барча сиёсий партияларимиз нашрларида мақолалар сони ошиб бораяпти. Афсуски, айрим ҳолларда рақибининг дастурий вазифаларини қай даражада амалга ошираётганлигини кузатиб бориб, йўл қўйилган камчиликларини баён қилиш ўрнига, тирноқ остидан кир қидиришга ўхшаш материаллар, баландпарвоз оҳангдаги мақолалар чоп этиш қусурлари учраб турибди.

«Ўзбекистон овози» мухбирларининг нохолис ёндашув билан ёзилган «Обрў топишнинг «Адолат»ча йўли» деб номланган навбатдаги мақоласи ҳам фикримизнинг яққол исботидир. Шу йил 12 май куни имзосиз чоп этилган «луқма»ни ўқир экансиз, «Адолат» СДП томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилаётган эътибор ва ўзаро ҳамкорлик сайловдан сайловга қадар барча даражадаги вакиллик органларида овози камайиб бораётган ХДПнинг рашкини келтираяпти, деган хулосага келишингиз муқаррар.

Ўтган галги сайловларда маҳаллани сиёсийлаштиришга уринган ХДП нашридаги луқманинг маъноси битта. Гўёки, «Адолат» СДП май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини сиёсий рақобат майдонига айлантирмоқда эмиш.

Маҳалла азалдан ўзбек давлатчилиги бошқаруви тизимида муҳим ўрин эгаллаб келган, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб институти. Шу боис ҳам у бугунги ўзбек демократиясининг ёрқин бир кўринишига айланди. Ҳозирги кунда кенг кўламли фаолият олиб бораётган мазкур ижтимоий институтга қаратилаётган эътибор юртимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг амалий ифодаси бўлиб, мамлакатимизни янгилаш ва демократлаштириш, фуқароларнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантиришга хизмат қилмоқда. Ана шу нуқтаи назардан «Адолат» СДП ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тарафдори. Зеро, айнан маҳалла кучли фуқаролик жамияти сари элтувчи йўлдир. Шубҳасиз, партиямиз мамлакатимиздаги бошқа сиёсий партиялар сингари ўз номзодларининг сайловда фаол қатнашиши ва ғалаба қозонишини истайди. Тан олиш керак, маҳалла раислигига ёки унинг маслаҳатчиси лавозимига номзодлар орасида у ёки бу партиянинг аъзолари бор. Шу жумладан, «Адолат» СДП вакиллари ҳам. Шундай бўлиши ҳам табиий. Биз ўз вакилларимиз орқали маҳаллаларни сиёсий кураш майдонига эмас, аксинча оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, шу орқали аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш ҳудудига айлантиришга ҳаракат қилмоқчимиз. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш партиянинг мақсад ва вазифаларига тўлиқ мос келади, деб ҳисоблаймиз. Зеро, маҳалла ҳудудида ташкил этилган ҳар қандай тадбиркорлик тузилмаси, ҳунармандчилик маскани ёки маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси аҳоли учун қулайликлар яратиши баробарида фуқароларни, айниқса, ёшлар ва аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш имкониятини беради. Яна бир гап. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунининг 12-моддасида сиёсий партияларнинг бошқа партиялар билан иттифоқ (блок) тузиш ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Демак, «Адолат» СДПга маҳаллалар билан ишлаш, улар билан ҳамкорлик қилишни ХДП ва унинг нашри тақиқлай олмайди.

Биз биринчи галда ана шу ижтимоий институт зиммасидаги вазифаларни бажаришга қодир, бугунги замон талаблари асосида фикрловчи, мамлакат ободлиги ва фаровонлигига ҳисса қўша оладиган инсонларнинг маҳалла раиси оқсоқоли ёки унинг маслаҳатчиси этиб сайланиши муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Бугун жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, улар манфаатини ҳимоя қилишда маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамияти беқиёс. Бироқ жойлардаги муаммо ва камчиликларни ечишда сиёсий партиялар ва маҳалла ҳамкорлиги ҳам зарур. Хоҳлаймизми ёки йўқ, ҳар бир сайлов округи муайян маҳаллалардан ташкил топган бўлади ва шу боис, депутат ўз сайлов округида бевосита маҳалла раиси ва фуқаролар йиғини билан ишлашига тўғри келади.

ХДПчилар кўпинча бошқа сиёсий рақибларининг тарғибот ва ташвиқот тадбирлари, сиёсий майдон кенгликларидаги фаолиятларини кўриб-кўрмаганликка олишади. Бундай нохолис ёндошувларга қарамай, «Адолат» СДП сайловолди дастурида белгилаб олганидек, маҳаллалар билан ҳамкорликни давом эттириш билангина чекланмасдан, аҳоли яшаш жойларидаги мавжуд муаммолар, сиёсий кайфият, сайловчиларни қизиқтираётган масалаларга жиддий эътибор қаратиб, бу борадаги фаолиятини янада кучайтиради.

Айни пайтда фуқароларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш, улар томонидан демократик қадриятлар пухта ўзлаштирилишида партиялар фаолияти бирламчи ўрин тутади. Бу эса фуқароларни сиёсий ўқишларга жалб этиш, уларнинг сиёсий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш жараёнлари билан ҳам боғлиқдир. Бир сўз билан айтганда, инсоннинг эрки, шаъни, қадр-қиммати ва манфаатларини ҳимоя этиш, шахс салоҳиятини юзага чиқаришда сиёсий партияларнинг ўрни беқиёсдир. Шу нуқтаи назардан, «Адолат» СДП ҳам ўз фаолиятини олиб боришда ана шу тамойилларга амал қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, бугун сиёсий партияларга, уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари фаолиятига аҳолининг қизиқиши, улар ҳақида янада кўпроқ билимга эга бўлишга интилиши кучаймоқда. Шундай экан, биз бу борадаги аҳоли эҳтиёжини тўлалигича қондиришимиз лозим. Аммо бу йўлда халқни чалғитиш, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, масалага бир томонлама ёндашиб, ХДПчасига алдаш орқали эмас, албатта.

Одатда матбуотни "тўртинчи ҳокимият" деб аташади. Бу билан унинг жамиятда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тармоқлари қатори тутган ўрни, жамоатчилик фикрини шакллантириш, даврнинг энг долзарб муаммоларига эътиборни жалб этиш, ҳаётда адолат ва ҳақиқат тантанасини мустаҳкамлашдаги ролига урғу берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги *"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"* маърузасида *"Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз"* деб уқтирди.

# Адолат ва ҳақиқат ҳимоясида

**И.САИФНАЗАРОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган бўлиб, ахборот соҳасининг самарадорлигини ошириш, матбуот, телевидение, радио фаолиятини эркинлаштиришни таъминлаш бўйича кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилган. Эркин ахборот олишни таъминлаш, матбуотни эркин сўз минбарига айлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда 1266 та оммавий ахборот воситалари рўйхатга олинган, уларнинг 649 таси мулкнинг нодавлат шаклига тааллуқлидир.

Ўз юртларининг ватанпарварлари бўлган журналистлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, жаҳон майдонида унинг обрў-эътиборини оширишга муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар, Ватан манфаатларини ҳимоя қилишда принципиал позицияда турибдилар. Мустақиллик йилларида миллий журналистиканинг сифати ва таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор берилганлиги халқнинг оммавий ахборот воситаларига ишончининг кучайишида муҳим омил бўлди.

Мамлакатда "тўртинчи ҳокимият"ни демократик янгилаш, унинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга йўналтирилган институционал ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси каби жамоат бирлашмаларининг ташкил этилиши нодавлат ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, айниқса, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда кадрлар салоҳиятини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатни модернизациялаш, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганлиги оммавий ахборот воситалари таҳририятлари олдига янада муҳимроқ ва долзарброқ вазифаларни қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Белгиланган бу вазифаларни бажариш фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини амалга ошириш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимият ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳукумат билан жамият ўртасидаги қалин алоқаларни янада мустаҳкамлашдаги ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Концепцияга кўра, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида" қонуннинг қабул қилиниши худди шу мақсадларни кўзлайди. Унда давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришнинг тартибларини аниқ белгилаб қўйиш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлардан тўлиқ хабардор бўлиб боришларини таъминлаш механизмларини яратиш кўзда тутилади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат ички ва ташқи сиёсатининг ошкоралигини, мамлакат ва чет элларда рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар тўғрисида фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва давлат тузилмалари ўртасида ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, аҳоли турли қатламлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича ижтимоий шерикчиликни мустаҳкамлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, жамоатчилик назорати жамоатчилик бирлашмалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашга қаратилган. Бугунги кунда мамлакатда 5100 тадан кўпроқ нодавлат нотижорат ташкилотлари, 10 мингдан зиёд фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолият олиб бормоқда. Фуқаролик жамияти институтлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланган. Улар, шунингдек,



одамларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда манфаатлар мутаносиблигини сақлаб туришда катта роль ўйнайдилар. Фуқаролик жамияти институтлари томонидан ўз вазифа ва ваколатларини бажаришда жамоатчилик назоратини амалга ошириш алоҳида ўрин тутади.

Парламент амалиёти аҳолининг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда жамоатчилик бирлашмаларига ишончи ортиб бораётганлигидан далолат беради. Масалан, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га ишончи ортганлиги боис, улар бу институтга шикоят ва аризалар билан мурожаат этмоқдалар.

Мазкур мурожаатларнинг таҳлили фуқаролар асосан, ўз шахсий ҳуқуқларига риоя этилиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлашдаги адолатсизликлардан норози бўлаётганликларини кўрсатади. Афсуски, айрим давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида фуқароларнинг шикоят ва аризалари асоссиз равишда кўриб чиқишда рад этилиши, уларда келтирилган ҳолатлар юзаки ўрганилиши, мурожаатларнинг кўриб чиқиш тартиби ва муддатларига риоя этмаслик, шунингдек, нохолис жавоблар йўллаш, олинган шикоятларни текшириш ва чора кўриш учун улар устидан шикоят қилинганларга юбориш ҳоллари учраб турибди. Бундай салбий ҳодисалар айрим раҳбар ва мансабдор шахсларнинг қонун нормалари ва талабларига амал этмасликлари, фуқаролар мурожаатларига расмиятчилик билан муносабатда бўлишлари оқибатидир.

Шунинг учун Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида" ги Қонунини қабул қилиш кўзда тутилган. Бунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари, ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этмаганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги белгилаб қўйилади.

Оммавий ахборот воситалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назорати амалиётини кенг ёритишга, қонунчилик ва ижтимоий адолат бузилишидан кенг жамоатчиликни хабардор этишга даъват этилганлар. Ана шу долзарб масалаларда фаоллик ва қатъият кўрсатиш оммавий ахборот воситаларининг белгиланган стратегик мақсадлар — Ўзбекистонда очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, иқтисодиёт барқарор ривожланишини, сўзда эмас амалда инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинларини таъминлашга муносиб ҳиссалари бўлади.

# Давлат ҳокимияти органлари:

## фаолият мутаносиблигининг таъминланиши ва ўзаро таъсир механизмларини янада такомиллаштириш масалалари

**С.ТУРСУНОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да баён этилган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ жорий йилда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Унда давлат ҳокимияти органлари фаолияти мутаносиблигининг таъминланишини ва ўзаро таъсир механизмларини янада такомиллаштириш масалаларига қонуний мақом берилди. Бошқача айтганда, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг мутаносиб (мувофиқ) тақсимланишини таъминлашнинг такомиллашган механизмлари ишлаб чиқилди. Уларда давлат ҳокимияти органларининг ўзаро таъсири асносида Парламент палаталарининг ваколатлари ва фаолият механизмлари ҳам аниқ белгилаб берилди. Айни кезда социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу бежиз эмас. Чунки, давлатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббуси ўзининг том маъноси ва мазмунига кўра, мустақил мамлакатимизда демократик ривожланиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида янги босқич бошланганини, бу эса жуда катта тарихий аҳамиятга эга эканлигини далиллаб турибди. Зеро, юртимизда ислоҳотлар давомида шундай бир ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий шароит пишиб етилдики, эндиликда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлари ўз фаолиятини ўта масъулият ва ўта жавобгарлик билан юритмоқдалар. Масалан, парламент ваколати кучайди, ижро ҳокимияти устидан парламент назорати кенгайди. Бош вазир Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилиш билан бирга мустақил равишда қарорлар қабул қилмоқда. Ижтимоий ва маънавий соҳаларда ҳукумат фаолияти самарадорлиги тобора ошиб бормоқда. Сиёсий партиялар яратилган ҳуқуқий база ва шарт-шароитлар доирасида ўз ташаббускорлигини янада тўлароқ намоён эта бориб, қонун чиқарувчи ҳокимиятга ҳам, ижро этувчи ҳокимиятга ҳам таъсирини орттирмоқда. Фуқаролик жамияти институтларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни юксалиб, уларнинг сони 2000 йилга нисбатан 2,5 баробарга, аниқроғи 5100 тадан зиёдга ўсди.

Таъкидлаш керак, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий шароитнинг пишиб етилишига хизмат қилган омиллар буларгина эмас: аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, ўз фикр-ғоялари ва муносабатини, позициясини эркин билдиришда ОАВнинг ҳам роли кучайди. Босма ОАВ ва электрон ОАВ сони қарийб 1200 тага етди. Қолаверса, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий онг даражаси юксалиб, хусусан, ёш авлоднинг тафаккурида янгича қараш, янгича фикрлаш юз берди.

Демакки, тараққиётимиз дастури — Концепцияда илгари сурилган ғоялар, белгиланган вазифалар, тавсия этилган таклифлар — давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги фаолият мутаносиблигининг таъминланиши ва ўзаро таъсир механизмларини шубҳасиз такомиллаштиришга катта туртки беради. Жумладан, ҳокимият тармоқлари мустақиллигини оширишга хизмат қилади ва ўзаро бир-бирини тийиб туриш механизмларини шакллантиради. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш, ижро этувчи ҳокимият девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколати доирасидан чиқарилиши ёки Бош вазирнинг Президентга вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимларини қонун асосида тайинлаш, лавозимидан озод этиш учун тақдим қилиш ҳуқуқининг киритилиши — Бош вазирнинг ҳам ва унинг раҳбарлигидаги ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳам мустақиллигини, таъсирини оширади.

Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдорда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилишини оласизми, Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ёхуд Бош вазир ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳуқуқининг берилишини оласизми — барчаси ижро этувчи ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан мувозанат механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Бу ҳам табиийки, Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис олдидаги ҳисобдорлиги механизмини бевосита такомиллаштириш масалалари сирасига киради. Шу тариқа, Парламентнинг ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан самарали назорат механизми юзага келади.

Шу ўринда, келгусида Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Президент тасдиқлаши учун тақдим этганда ўз номзодини кўрсатган сиёсий партиядан кўрсатиши мумкинлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунки, Бош вазир номзодини таклиф қилиш — ижро этувчи ҳокимиятнинг сиёсий партияга боғлиқлигини кўрсатиб турибди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бизнинг қонунимиздаги янгилик — демократик ривожланишнинг умумэътироф этилган қоида ҳамда талабларига мувофиқ ҳолда халқимизнинг, мамлакатимизнинг тарихий, миллий хусусиятларига, қадриятларига асосланган ва у ўзимизга хос, ўзимизга мос модел тарзида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП бу янгиликни жамиятимизда сиёсий ҳамжихатлик ва сиёсий барқарорликнинг ҳуқуқий негизи деб билади.

Руй бераётган янгилик-сиёсий қарашларни эркин холда ривожлантиришга, партиялараро ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга, энг муҳими, аҳолининг хоҳиш иродасини рўёбга чиқаришга ёрдам беради, деб ҳисоблайди.

Зотан, партиямизнинг бу борадаги позициясини, ролини кучайтириш электоратимиз манфаатларини тўлароқ намоён этган ҳолда, давлат хокимияти ва бошқарувда фаоллигини оширишни зарурат қилиб қуймоқда. Бу билан биринчидан, "Адолат" СДП ўзининг ижтимоий сиёсий фаолиятини электорати ва тарафдорлари орасида муттасил жонлантириб, уларнинг сиёсий онги ва фаоллигини ошириб боради. Иккинчидан, парламентдаги фракцияси томонидан олиб борилаётган қонун ижодкорлиги фаолиятини янада самарали ташкил этиш чораларини кўради. Учинчидан, вақти-вақти билан партия сайловолди дастури талабларидан ҳамда сайловчилари, электорати манфаатларидан келиб чиқиб Ҳукумат аъзоларининг Парламент Қонунчилик палатасида муайян масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиб бориш амалиётидан кенг фойдаланади.

Мухтасар айтганда, давлат ҳокимияти органларида фаолият мутаносиблигининг таъминланиши ва ўзаро таъсир механизмларини янада такомиллаштирилиши — «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонун мамлакатимизда кўп партиявийлик тизимига ҳам шаксиз ривож беради, жамиятимизни янада эркинлаштиради, фуқаролик жамияти институтларининг мавқеи ҳамда таъсирини оширади, аҳолининг сиёсий-ижтимоий фаоллигини кучайтиради, натижада, халқ ва давлат орасида очиқ, ошкора мулоқот жонланади.

# Ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратининг аҳамияти

« Давоми. Боши 1-бетда

Демак, парламент назоратининг ижобий самарасидан сиёсий партиялар ҳам бирдек манфаатдор. Бу улардан парламент назоратини такомиллаштиришда ўзига хос фаолликни талаб этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда сиёсий партияларнинг ролини оширишга қаратилаётган эътибор, хусусан, 2007 йилда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунининг қабул қилиниши сиёсий партияларнинг сиёсий майдонда янада эркинроқ, янада фаолроқ, янада кучлироқ бўлишига имкон яратди. Айнан мазкур қонунда қайд этилган нормалар асосида партиялар томонидан ижро ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, ижро ҳокимияти раҳбарларини тайинлашда сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлик гуруҳлари билан маслаҳатлашув институти жорий этилди. Албатта, сиёсий партиялар бу ҳуқуқ ва ваколатлардан самарали фойдаланган ҳолда парламент назоратини такомиллаштиришга ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Адолат социал-демократик партияси мисолида парламент назоратини амалга ошириш тажрибасига эътибор қаратсак, партия ўзининг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мазкур масалага ижобий ёндашишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, "пластик карточкалар"нинг амалда тўлиқ жорий этилиши ва уларни ишлатиш учун шароитлар яратилишини мамлакатимиз тиббиёт муассасаларидаги аҳволни доимий ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш, аҳолининг иш билан таъминланганлик даражасини таҳлил этиш ва янги иш ўринларини яратиш, инновацион технологияларни жорий этишга ёрдам бериш ва бошқа бир қатор масалалар юзасидан парламент назоратининг турли усуллари, текшириш, кузатиш, суриштириш, таҳлил қилиш ишлари амалга оширилган ва улар жойлардаги муаммоларни бартараф этишга хизмат қилмоқда.

Фикримизча, мазкур йўналишдаги ишларни янада кучайтириш, уларни янги босқичга кўтариш лозим. Чунки, парламентдаги вакиллардан сиёсий партия электорати, аъзолари ва қўллаб-кувватловчилари янада самарали тадбирларни кутмоқдалар. Хусусан, Адолат СДП тарафдорлари парламентдаги Адолат СДП фракцияси аъзоларидан мамлакатимизда ижтимоий адолатни қарор топтириш, ижтимоий ҳимоя тизимини янада кенгайтириш борасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва мавжуд қонунчилик амалда қай даражада самарали татбиқ этилаётганлигини назорат қилиш борасида алоҳида фаолликни кутадилар. Шундан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги масалаларга масъул бўлган Ҳукумат аъзоларининг, вазирларнинг ҳисоботларини эшитиш, шу орқали Парламентнинг самарали усулидан янада кенг фойдаланишлари лозим. Чунки, сиёсий партиянинг сайловолди дастурида айнан шундай эзгу мақсадлар ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, хусусан, Адолат СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ташаббуси билан амалга ошириладиган парламент назоратининг натижаларини эълон қилиб бориш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз. Чунки, бу халқни, партия тарафдорларини партия томонидан амалга оширилаётган, айнан улар манфаатини ҳимоялаш борасида тадбирлардан ўз вақтида хабардор қилади. У сиёсий партияларга, парламентга нисбатан халқнинг ишончини оширишга ҳамда мазкур демократик институтларнинг жамиятдаги нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Умуман, Ижроия ҳокимият устидан Парламент назорати демократик ҳуқуқий давлатда етакчи ўрин эгаллайди. Фуқаролик жамиятини шакллантириш, ислоҳотларни собитқадамлик билан амалга оширишда унинг роли катта. Энг муҳим масала — Ижроия ҳокимият устидан Парламент назоратини янада такомиллаштиришдир. Чунки, парламент назоратини кучайтириш орқали мамлакат ҳаётини янада демократлаштириш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини янада юксалтиришга эришиш мумкин. Қолаверса, ривожланишнинг ҳозирги модернизация босқичида мамлакат сиёсий саҳнасида парламентнинг ўрни ва нуфузини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган бош мақсад халқимиз манфаатларига мос қонунларни яратиш ва уларнинг амалий ижросини назорат қилиш орқали амалда қонунийлик муҳитини қарор топтириш ва бу орқали эркин фуқаролик жамияти сари дадил қадам ташлашдир.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда парламентнинг назорат функциясини янада такомиллаштириш орқали жамиятда олий вакиллик органи ҳисобланган парламентнинг нуфузини янада юксалтиришга, қабул қилинган қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси таъминланишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқаришга, қонун устуворлиги тамойилининг амалга ошишига ва энг асосийси, мамлакатимиз ўз олдига қўйган энг олий мақсад — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга эришилади.

# Фуқаролик жамиятини ривожлантириш

## ва унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маънавий омиллари

**Илмий-амалий семинар**

**Индирахон ИСМАТХЎЖАЕВА.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамкорлигида «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маънавий омиллари» мавзусида республика илмий-амалий семинари ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул ходимлари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва бошқа олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.



Илмий-амалий семинар давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида баён этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгиланган устувор вазифаларга бағишланди. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий омиллари тўғрисидаги билимларни ошириш, бу борада илмий мақолалар яратиш ҳамда ушбу соҳада кичик фундаментал тадқиқот ишларини олиб бориш масалалари муҳокама этилди.

Семинарни Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, профессор Н.Жумаев кириш сўзи билан очиб, шундай деди:

— Ушбу илмий-амалий семинар мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги ва университетимизнинг 80 йиллиги арафасида ташкил этилгани ҳам бежиз эмас, албатта. Бугун сизнинг эътиборингизга ҳавола этиладиган барча маърузалар алоҳида тўплам қилингани, унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан бир қаторда университет профессор-ўқитувчилари ва талабаларнинг ҳам мақолалари жамланганлиги таълим масканимизга қўшалоқ байрам учун муносиб совға бўлади, деб ўйлайман.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров «Сиёсий партиялар — фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдевори» мавзусида маъруза қилар экан, Концепцияда баён



этилган устувор вазифалар ҳам айнан сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ролини оширишга қаратилганлигини таъкидлаб ўтди.

— Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш стратегик мақсадлардан бири этиб белгиланди, — деди нотиқ ўз маърузасида. — Фуқаролик жамиятининг асосий институтлари ҳисобланмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳиятини ҳам белгилаб берадиган институтлар ҳисобланади. Мазкур институтларнинг мақсад ва вазифалари мамлакатимизда демократик қадриятлар ҳамда тамойиллар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ўзининг сайловолди дастурида эълон қилганидек, ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ғоясини илгари суришда давом этмоқда.

Конституциянинг айрим моддаларига ўзгартишлар киритилиб, ҳукуматни шакллантиришда сиёсий партияларнинг роли янада кучайтирилаётган экан, демакки, бошқа сиёсий партиялар қатори «Адолат» СДПнинг давлат қурилиши ва бошқарувидаги иштирокида янада улкан масъулият юкланмоқда. Шунинг учун партия томонидан мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга қаратилган ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширила бошланди.

Шунингдек, тадбир давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Х.Маматов «Конституция — ҳуқуқий ҳаётимизнинг бош мезони» мавзусида маъруза қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, уларнинг моҳияти ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришдаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтди.

— Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки кунлариданоқ янги давлатчилик ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда, — деди маърузачи. — Шу мақсадда тарихан қисқа муддатда Асосий қонун — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодалаб берилди. Конституцияда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим принцип сифатида қаралган. Айниқса, инсон ва жамият ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устунлиги ҳам Конституцияда муҳрлаб қўйилди. Айни пайтда барпо этилажак янги жамиятнинг иқтисодий асосларини ташкил этувчи хусусий мулкнинг барча мулк шакллари қатори тенглиги ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаланганлиги конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилди.

Тадбирда Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессорлари М.Болтабоев, Б. Алиев ва бошқалар ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Мазмунли маърузалар ва қизғин баҳс-мунозаралар семинарнинг жонли тарзда ўтишига замин яратди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

---

Тошкент давлат юридик институтида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари, мазкур институт профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар жам бўлишди. Боиси, улар бу ерда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбатида «Инсон ҳуқуқлари таъминланишининг мустақиллик берган ҳуқуқий кафолатлари» хусусида фикр алмашдилар.

# «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият»

**Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги**

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати.

Давра суҳбати Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган истиқлолимизнинг қутлуғ санасига бағишлаб ўтказиладиган «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остидаги Дастурга мувофиқ аҳоли ўртасида «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият» мавзуидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлигини ташкил этиш бўйича тадбирлар режасига биноан уюштирилди.

— Бунда, аввало, инсон ҳуқуқлари, унинг қонуний манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилиши мустақиллигимизнинг бизга берган энг катта сийловидир, — деди Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси К.Ҳамидова. — Инсоннинг хусусий мулкка бўлган ҳамда эътиқод эркинлигига доир энг асосий ҳуқуқлари айнан истиқлолимиз туфайли амалда рўёбга чиқди. Шу боис, инсон ҳуқуқлари таъминланишининг мустақиллигимиз берган бундай ҳуқуқий кафолатларининг мазмун-моҳиятини англаб етишимиз, уни, айниқса, ёш авлод вакилларига чуқур тушунтиришимиз, тарғиб-ташвиқ этишимиз зарурдир.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоси Қ.Жўраев, Тошкент давлат юридик институти кафедра мудири, юридик фанлари доктори, профессор З. Иноғомжонова ҳамда Халқаро Амир Темур жамғармаси бошқаруви раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси М. Алининг юртимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида парламентнинг ўрни, давлат бошқарувини янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга қаратилган қонунчиликнинг мазмун-моҳияти, мустақилликни мустаҳкамлашда тарихнинг аҳамияти каби мавзуларга бағишланган маърузалари тингланди.



---

# Фаолиятни мунтазам танқидий таҳлил қилиб бориш

## юқори натижаларга эришишда ҳалақит берадиган тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятини яратади

« Давоми. Боши 1-бетда

Шу нуқтаи назардан айтганда, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз ўрни ва ролини аниқ белгилаб, янада юксалтириб бориши талаб этилади.

Эътироф этилдики, бу эса, ўз навбатида фаолиятни мунтазам танқидий таҳлил қилиб бориш, юқори натижаларга эришишда ҳалақит берадиган тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятини яратади. Қолаверса, партия олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳам айнан шудир.

— Келгусида амалга оширишимиз шарт бўлган вазифаларни мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган Концепция нуқтаи назаридан белгилаб олдик, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари С.Раупов. — Ана шу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда барчамиздан бирдек масъуллик талаб этилади. Айниқса, партия фаолиятини мустаҳкамлашда вилоят Кенгашлари муҳим бўғин ҳисобланади. Бугунги йиғилишимизнинг пировард мақсади ҳам айнан жойлардаги қуйи бўғинлар ишини янада такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини топиш ва янги вазифалар белгилашдир.

Мажлисда сўзга чиққанлар ўз маърузаларида истиқлол йилларида замонавий ва демократик жамиятнинг ривожланиши ва шаклланиш босқичлари, айниқса, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишининг янги босқичи ҳақида батафсил тўхталиб, бу босқич сиёсий партиялар олдига улкан вазифаларни қўйганлигини, шунинг учун ҳам партиямизнинг ҳар бир етакчиси ўз устида тинимсиз ишлаб, замонавий билим ва кўникмаларини, тажрибасини оширган ҳолда, партия олдида турган масъулиятли вазифаларни амалга оширишда фаоллик кўрсатиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратди. Партия фаолларига давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти, авваламбор, сиёсий партияларнинг роли ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

Шунингдек, партия фаолларини мамлакатимиз давлат Мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар қилиш ҳамда демократик ислоҳотларнинг янги босқичи талабларига мос ҳолда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг жойлардаги ташкилотлари фаолиятини мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва ролини янада юқори даражага кўтаришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар берилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Адолат" СДП Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида билдирилган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича ўзининг Ҳаракат дастурини ишлаб чиққан. Мазкур Ҳаракат дастурининг ижроси мажлис иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Муҳокамалар асносида бугунги кунда сиёсий партиялар ва депутатлар фаолиятида талаб этиладиган янгича мезонлар, уларни ҳаётга татбиқ этишда учраётган муаммолар тилга олинди. Ҳар бир Кенгашнинг турли йўналишлардаги фаолияти кўздан кечирилиб, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Хусусан, партия ташкилотларида фаолият юритадиган кадрлар, "Аёллар" ва "Ёш адолатчилар" қанотлари, бошланғич партия ташкилотлари, партия сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижроси ва уни оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар партиянинг ҳудудий Кенгашлари томонидан ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот ишлари, жамоатчилик билан алоқалари, электорат манфаатларини ифода этишга қаратилган амалий ишлар даражаси, партия раҳбар кадрлари салоҳияти ва Кенгаш қошида ташкил этилган матбуот хизматлари фаолиятига танқидий ёндашган ҳолда фикр юритдилар.

— Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган ижтимоий ҳаёт партиямизнинг иш усул ва шаклларини муайян тарзда ўзгартириш, фаолиятимизни янада жонлантириш талабини қўймоқда, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Р.Ҳайдаров. — Айтиш жоиз, бу борада партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан иш самарадорлигини оширишга оид қатор чоралар кўрилди. Бу амалий саъй-ҳаракатлар натижасида партиянинг Тошкент, Хоразм, Қашқадарё, Наманган, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри Кенгаши фаолияти сезиларли даражада яхшиланди. Афсуски, ортда қолаётган айрим вилоят партия ташкилотлари раислари масъулиятни ҳамон тўлиқ ҳис этмаяпти. Марказий аппарат топшириқлари ўз вақтида бажарилмаяпти.

Шунингдек, маърузачи мавжуд муаммоларни бартараф қилишга оид тавсиялар берди. Хусусан, вилоят Кенгашларида партия Сиёсий Кенгаши ҳамда Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинган барча ҳужжатлар бўлиши шартлиги, назорат папкалари йўлга қўйилиши, топшириқ ижрочилари ва бажариш муддатлари белгиланиши, бу тамойилни шаҳар ва туман ташкилотларига сингдириш лозимлиги уқтирилди. Бу борадаги ҳужжат иловалари, рўйхати тарқатилди. Улар вилоят, шаҳар, туман Кенгашида ва албатта, БПТда бўлиши шартлиги айтилди. Бу борадаги иш тажрибаси партиянинг Тошкент вилояти Кенгаши фаолияти мисолида кўрсатилди.

Мажлисда кадрлар масаласи билан боғлиқ муаммолар ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Жорий йилда партия ташкилотларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди. Хусусан, қўшимча штатлар очилди, кадрларнинг ойлик маошлари оширилди. Энг муҳими, партия кадрлари ва фаоллари фойдаланишлари учун турли янги қўлланма ва адабиётлар, йўриқнома ва низомлар тайёрланиб, жойларга етказилди.

— Аммо шунга қарамасдан, айрим партия ташкилотларимиз, кадрлар ва фаолларимиз ишида ҳали-ҳануз баъзи камчиликлар кўзга ташланмоқда, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раисининг ўринбосари Х.Маматов. — Бу уларнинг партия дастурий вазифалари мазмун-моҳиятини тўла-тўкис тушунмасликларидан, ўз ишларига масъулият билан ёндашмаётганликларидан далолат беради. Шу сабабли ҳам мавжуд партия кадрлари фаолиятини таҳлилий-танқидий нуқтаи назардан чуқур ўрганиб чиқиш, захира кадрларни танлаш, тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш долзарб вазифадир.

Йиғилиш иштирокчилари кадрлар захирасини шакллантириш муҳим ва ўта долзарб масала эканлигини қайд этдилар. Бу масала ижросига эътиборни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда партиянинг Бухоро вилояти фаолияти танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинди.

Вилоятда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг уч ярим мингга яқин аъзоси бор. Айни вақтда у ерда 172 тадан зиёд бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда.

Йиғилишда вилоят партия Кенгаши томонидан мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш, партия мавқеини янада ошириш, электорат билан алоқасини мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб тадбирларнинг ташкил қилинганлиги алоҳида таъкидланди. Бироқ вилоят партия Кенгаши фаолиятидаги айрим хато ва камчиликлар рўй-рост айтилди. Вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки талаб даражасида эмаслиги, партия фаолиятига ёшларни кенг жалб этиш бўйича камчиликлар мавжудлиги, бу борада туманлардаги "Ёш адолатчилар" Кенгаши фаолияти сезилмаётганлиги қайд қилинди. Шу билан бирга, маҳаллий Кенгаш депутатлик гуруҳи ташаббуслари ҳам талаб даражасида эмаслиги танқидий таҳлил қилинди.

— Ишимиз самарадорлигини оширадиган энг муҳим нарса — одамлар орасида партиямиз мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш, амалий ишлар билан аҳоли орасига кенгроқ кириб боришдир, — деди партиянинг Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси А.Аҳмедов. — Одамлар муайян натижаларни кўрсагина, бу нарсага эришиш мумкин. Бу албатта, депутатлик гуруҳлари ёрдамида амалга оширилади. Депутатлик гуруҳлари фаоллигини таъминлаш эса, вилоят партия Кенгаши фаолияти билан бевосита боғлиқ. Партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланиб ишлаб чиқилган ҳаракат дастурида бу борада аниқ кўрсатмалар берилган. Агар биз дастурни тўлалигича амалда татбиқ қила олсак, белгиланган маррага етамиз.

Йиғилиш сўнггида кўрилган масалалар юзасидан умумий хулоса ишлаб чиқилди, таклиф ва мулоҳазалар ўрганилиб, мутасадди ходимларга тегишли вазифалар топширилди.

# Демократик ислоҳотларнинг янги босқичи

## мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимида сиёсий партиялар олдига муҳим вазифаларни қўймоқда

Партия ҳаёти

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Сурхондарё ва Навоий вилояти партия Кенгашлари матбуот хизмати.



Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё ҳамда Навоий вилояти Кенгашларининг IV Пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ҳамда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари етакчилари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, фаоллар, ФЖЎИ вилоят ахборот-таҳлил марказлари ва Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати ходимлари, "Хотин-қизлар" ҳамда "Ёш адолатчилар" қанотлари фаоллари, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Таъкидлаш лозимки, очиқ мулоқот руҳида ўтган ва муҳокама майдонига долзарб масалалар олиб чиқилган Пленумда шаҳар ва туманлар партия Кенгашлари раислари ўз ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларга бефарқ эмасликларини, айни шу йўналишда депутатлик гуруҳлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик кутилган натижаларни бериши мумкинлигини таъкидлашди.

Маълумки, мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда тобора етакчи кучга айланиб бораётган сиёсий партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Бу талаб Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида аниқ баён этилди. Шу боис, Пленум иштирокчилари ҳам давлатимиз раҳбари маърузасидан келиб чиққан ҳолда, вилоят партия Кенгашлари олдида турган устувор вазифаларини белгилаб олдилар.

Пленум ишида ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси лавозимига Сулув Ҳамидова тайинланган бўлса, Навоий вилояти партия Кенгаши раислиги Ҳамид Жумаев зиммасига ишониб топширилди. Шунингдек, вилоят Кенгашларининг янги таркиби сайланди.

Шундан сўнг, "Ўзбекистон "Адолат" СДП: демократик ислоҳотларнинг янги босқичида" мавзуидаги ўқув-семинари ўз ишини бошлади. Семинарларда "Партия марказий органларининг иш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш", "Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг роли, масъулиятининг кучайтирилиши", "Партия раҳбар органларининг иш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш", "Жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлган ижтимоий шерикчиликни ўрнатишда "Адолат" СДПнинг ўрни", "Ҳудудий партия Кенгашлари ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, самарадорлигини ошириш чоралари" каби мавзуларда маърузалар тингланиб, қизғин муҳокама қилинди.

Сурхондарё вилояти партия Кенгаши Пленумида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасидан келиб чиқиб, партия ва унинг қуйи тузилмалари фаолиятининг аниқ ҳолатини белгилаб олиш ва шу асосда партия тузилмаларининг ташкилий-сиёсий жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, уларнинг фаолиятини давлатимиз раҳбари кўрсатмаларига мувофиқлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Муҳокамалар асносида мутахассислар ўқув семинари қатнашчиларига Концепциянинг ҳар бир бобини ҳаётий мисоллар билан атрофлича таҳлил қилиб берди. Юртбошимиз томонидан тақдим этилган ушбу Концепцияда белгилаб берилган устувор йўналишлар Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳаракат дастурига тўла мос келиши алоҳида эътироф этилди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида барча соҳаларда қўлга киритилган ютуқларни таҳлил қилиш, бу ислоҳотларда партия иштироки қай даражада бўлаётганини, Концепция талаби нуқтаи назаридан айни вақтда қандай долзарб вазифалар турганлиги, қолаверса, Концепцияни партиянинг жойлардаги барча бўғинларида янада чуқурроқ ўрганиш, тарғиб қилиш ниҳоятда муҳим.

Муҳокамаларда сўзга чиққан Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Абдурашид Ортиқов, Термиз шаҳар партия Кенгаши раиси Зокир Сафаров каби иштирокчилар анжуман доирасида кўрилган барча масалалар юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилоят Кенгашида бўлиб ўтган ўқув-семинарида «Фаол демократик янгиланишлар босқичида мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда партия ташкилотлари олдида турган вазифалар тўғрисида»ги масала чуқур таҳлил қилинди.

— Кундан-кунга ривожланаётган юртимизда ҳар куни бир янгиликка дуч келамиз, — деди фракция аъзоси А.Раҳмонов. — Жаннатмакон Ўзбекистонни, қадри баланд халқимизни бундан 20 йил олдингидек тасаввур қилиш қийин. Аҳолининг яшаши, саломатлиги, иш шароити тубдан яхшиланди. Энг асосийси — биз эркин, тинч ва фаровон юртда яшаяпмиз. Фаол ислоҳотлар даври — 2001-2010 йилларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тизимида улкан ислоҳотлар амалга оширилди, улкан ютуқларга эришилди ва фуқаролар манфаатларини кўзловчи ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Шунингдек, маърузачи давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг роли ва масъулияти тобора кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Юртбошимиз томонидан таклиф этилган Концепция ва мавжуд қонуний меъёрлар асосида партия Кенгаши ишини ташкил этиш борасида фикр юритди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти, қонун устувор бўлган демократик давлат қурилиши тамойиллари борасида тўхталди. Вилоят партия ташкилоти фаолиятини бугунги кун талаби асосида ташкил этиш учун иш самарадорлигини янада такомиллаштириш, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолияти мониторингини, айниқса, бошланғич партия ташкилотлар ишининг назоратини кучайтириш лозимлигига тўхталди. Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолияти бўйича ўз фикрларини билдирди.

— «Адолат» СДП фаолияти сезиларли даражада ошаётганини партиянинг барча тузилмаларини қамраб олувчи аниқ йўналтирилган ташкилий-партиявий ишларида, ички тартибнинг мустаҳкамланиши, партия кадрлари ва депутатлик корпуси масъулияти ошишида ўз аксини топмоқда, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Равшан Ҳайдаров — Эришилган ютуқларга қарамасдан, фаолиятимизда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, уюштирилаётган тадбирлар талаб даражасида эмас. Маҳаллий Кенгаш депутатлари ташаббуслари етарли бўлмаяпти. Ҳудудий ташкилотлар моддий-техника базасини бойитишдаги камчиликлар ва бошланғич партия ташкилотларининг ўсиш суръати суст.

Навоий вилояти партия Кенгаши раиси ўринбосари Насриддин Расулов Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши қарорлари ижроси юзасидан вилоятда амалга оширилган ишлар юзасидан гапирди. Ва айни вақтда партия ташкилоти олдида турган вазифаларга тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш борасида туман ва шаҳар партия Кенгашлари томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар режалари ва таклифлар муҳокама қилинди. Шунингдек, Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Дилбар Умарова депутатлик гуруҳи фаолияти вилоят Кенгаши сессиялари кун тартибига киритилаётган таклиф ва ташаббуслар ҳақида маълумот берди.

Айтиш керакки, очиқ фикр-мулоҳаза, савол-жавобларга бой бўлган ўқув-семинари ҳар жиҳатдан партия фаолларига фойдали бўлди. Бу сўзга чиққанлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



**«Шўртангазкимё» мажмуаси жамоаси**

*серқуёш юртимизда яшаётган барча кичкинтойларни, бир-биридан ширин, жажжи эркатойларни 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан самимий қутлайди.*

Янги авлод жисмонан ва ақлан баркамол бўлиб вояга етишиши, ўсиб-улғайиб, юртимиз довруғини оламга таратиши, улуғ аждодларимизнинг муносиб вориси эканини амалда намоён этишига астойдил тилакдошмиз.






# «Шўртаннефтгаз»

## унитар-шўъба корхонаси жамоаси

*Ҳаётимиз мазмуни, бахту саодатимиз бўлган азиз кичкинтойларни 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан чин дилдан табриклайди.*













**Мустақил юртимизнинг азиз ва бахтиёр фарзандларига соғлиқ, шоду хуррамлик тилаймиз. Гулгун чеҳраларингизни болалик қувончи ҳеч қачон тарк этмасин, қалбингиз ҳамиша беғубор, истиқболингиз порлоқ бўлсин!**

# Рельс ўғрилигими ёки қўпорувчилик?

## Тергов-суриштирув жараёнида бунга аниқлик киритилди

**Алимбек ТОШБЕК.**

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди қўпорувчилик жиноятини содир этган бир тўда уюшган гуруҳнинг барча аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 161-моддаси бўйича айбдор деб топиб, уларнинг ҳар бирига 7 йилдан 12 йилгача бўлган муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Суднинг бу ҳукми апелляция инстанцияси томонидан ҳам ўз кучида қолдирилди.

...Одатда юртимизда ҳар бир байрам шодиёна руҳда кўтаринкилик билан нишонланади. Бунга, аввало, республикамиздаги тинчлик-осойишталик, халқлар ўртасидаги тотувлик, бирдамлик имкон яратаётганини алоҳида таъкидламоқ керак. Аммо шундай байрам кунлари ҳам сергакликни бир зумга-да унутмаслиги лозим бўлган давлат идоралари, муассасалари борки, айнан уларнинг хушёрлиги боис тинчлигимизни кўролмаётган айрим ғаламислар ниятлари йўққа чиқарилмоқда.

Гап шундаки, ўтган йилнинг баҳор фасли илк айёми — 8 март туни темир йўлчилар учун ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари учун ҳам беҳаловат кечишига айнан қўпорувчиликни ният қилган ва бу ниятини амалга оширган уюшган гуруҳ қилмиши сабаб бўлди. Ўшанда Тошкент — Гулистон темир йўлининг Сирдарё вилояти ҳудудидан ўтувчи «Бахт — Оқолтин» бекатлари оралиғидаги 2-пикетида қўпорувчилик ҳаракати амалга оширилганди. Қўпорувчилар темир йўл рельсларини мустаҳкам ушлаб турувчи 23 та клемной больтнинг «М-22» русумли гайкаларини, 23 та шайбани ҳамда рельсларни бир-бирига туташтириб турувчи 4 та накладка ва уларни қотирадиган 8 дона болт-гайкани ечиб олиб кетишган эди. Бу ҳам етмагандек мис сим ёрдамида светафорнинг ишлаш меъёрини ҳам бузиб кетишганди.

Хўш нима учун, деган савол ҳар бир ўқувчининг хаёлидан ўтаётган бўлиши табиий шу онда.

Тергов-суриштирув материалларига асосланган ҳолда жавоб бериш мумкинки, уларнинг нияти рельсларни ёки шпалларни ўмариш эмас, балки айнан поездлар қатновига ҳалақит бериш, вагонлар составини ағдариб, давлат иқтисодиётига зарар етказиш, жамият ҳаётига раҳна, одамлар юрагига ғулғула солиб, юрт осойишталигига путур етказиш. Буни жиноятчиларни гўё ҳимоя қилиб, инсон ҳуқуқлари бузилмоқда, дея интернет тармоқларида жар солган «Эзгулик» ташкилотининг маҳаллий бўлими фаоллари ҳам ўзлари сезмаган ҳолда хабарларида тасдиқлашган. Яъни улар ёзишларича, «Бахт — Оқолтин» темир йўли шпалларига «...биз рельс ўғирламаганмиз» деб ёзиб кетилган. Ва ҳақиқатан ҳам рельс ёки шпаллар ўғирланмаган. Демак, жиноятчиларнинг мақсади нима бўлгани аён эмасми? Буни «Эзгулик»чиларнинг интернетда тарқатган яна бир хабарига қўйган сарлавҳасиёқ тасдиқлайди: «Сирдарёлик диверсантларнинг иши апелляцияда ҳам ўзгармади». Улар жиноятчиларни диверсантлар дея атагани ҳолда уларни ҳимоя қилишга нима мажбур этди экан?

...Темир йўл тармоғи идоралари маълум қилишича, жиноятчилар «машъум тун» бўлишини ният қилган ўша куни ушбу темир йўлдан 4 та поезд ўтиши лозим эди. Агар қўпорувчилик ўз вақтида пайқаб қолинмаганида нималар юз беришини тасаввур қилишингиз учун яна тергов-суриштирув материалларига мурожаат этамиз: жиноят иши ҳужжатларига кўра, темир йўлнинг мазкур қисмидан ҳаракатланадиган 4 та поезд вагонларида кўп миқдордаги саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари тез ёнувчан ва портловчи ёнилғи-мойлаш воситалари ҳам юкланган эди. Агар мазкур поездлар издан чиқиб кетганида юк вагонларининг ағдарилиши натижасида давлатимиз иқтисодиётига улкан иқтисодий зарар етиши, вагонлардаги қўриқлаш хизмати ходимлари ва поездлар ҳаракатини бошқараётган машинистлар ҳалок бўлиши, уларнинг оилалари, ота-онаю ака-ука, опа-сингилу қўйингки, барча қариндош-уруғлари кулфат ва мотамда қолиши мумкин эди. Шукрки, темир йўл хизмати ходимлари ҳушёрлик билан қилган ҳаракатлари боис қўпорувчилар томонидан яроқсиз ҳолга келтирилган рельслар зудлик билан таъмирланди ва бу поездларнинг жадвал асосида талафотсиз ўтиб кетиши таъминланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, туни билан поездларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлаган темир йўлчилар тонгга яқин захира рельс устига оқ бўр билан ёзилган дўқ-пўписадан иборат ёзувга кўзлари тушди. Шундан сўнг ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари пухта режа асосида суриштирув ишларини жадаллаштирдилар. Тезда қўпорувчилик жиноятини содир этган тўда аъзоларининг шахси аниқланди ва қуйидагилар қўлга олинди:

Тимур Фатхуддинов — 1981 йилда туғилган. Муқаддам судланмаган. Оилали. Сирдарё шаҳрида яшайди.

Ҳусниддин Равшанов — 1973 йилда туғилган. Муқаддам босқинчилик жиноятини содир этгани учун суд томонидан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жазонинг ярмини ўтагач, ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган. Оилали. Сирдарё туманида яшайди.

Қаҳрамон Худойназаров — 1970 йили Чиноз туманида туғилган. Муқаддам судланмаган. Оилали. Сирдарё шаҳрида яшайди.

Баҳром Меҳмонқулов — 1986 йилда туғилган. Муқаддам судланмаган. Уйланмаган. Сирдарё шаҳрида яшайди.

Фарҳод Исматуллаев — 1976 йилда туғилган. Муқаддам безорилик жиноятини содир этиб суд томонидан Жиноят кодексининг 277-моддаси, «а», «г» бандлари билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Кейинчалик жазонинг 1 йил 5 ойлик муддати ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган. Оилали. Сирдарё шаҳрида яшайди.

Анваржон Усмонов — 1986 йили Фарғона вилоятида туғилган. Муқаддам судланмаган. Уйланмаган. Сирдарё шаҳрида яшайди.

Нуриддин Тўлаганов — 1986 йилда туғилган. Муқаддам судланмаган. Уйланмаган. Сирдарё туманида яшайди.

Аҳмад Салиев — 1988 йилда туғилган. Муқаддам қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини содир этганлиги учун суд томонидан Жиноят кодексининг 104-моддаси, 2-қисмининг «е» банди билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Жазонинг ўталмай қолган 2 йил 9 ойи ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган. Оилали. Сирдарё шаҳрида яшайди.

Илҳом Мўминов — 1989 йилда туғилган. Муқаддам талончилик жиноятини содир этганлиги учун суд томонидан Жиноят кодексининг 166-моддаси, 2-қисмининг «а» ва «в» бандлари билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Амнистия туфайли жазони ўташдан озод қилинган. Оилали. Сирдарё тумани, Деҳқонобод маҳалласида яшайди.

Давроншоҳ Маҳмадиев — 1990 йили Тожикистон Респрубликасининг Душанбе шаҳрида туғилган. Муқаддам судланмаган. Фуқаролиги бўлмаган шахс. Ишсиз. Сирдарё шаҳри, Марҳабо кўчаси, 10-уйда яшайди.

Номлари санаб ўтилган мазкур шахсларга суд томонидан ҳеч қаерда ишламасдан, жиноий гуруҳга уюшиб, олдиндан ўзаро тил бириктириб қўпорувчилик, яъни Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги ҳамда иқтисодиётига путур етказиш мақсадида одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлигига, мулкига шикаст етказиш, яъни нобуд қилишга қаратилган жиноий ҳаракатларни олиб бориш айби қўйилди.

Дастлабки тергов-суриштирув ишлари ҳамда жиноятчиларнинг тергов давомида берган кўргазмалари асосида суд аниқлашича, Т.Фатхуддинов ва Ҳ.Равшанов ўзларининг жиноий режаларини амалга ошириш мақсадида юқорида санаб ўтилган шахсларга ва дастлабки тергов вақтида шахсини аниқлаш имконияти бўлмаган «Марат» исмли шахсга темир йўл рельсларини ҳалокатли аҳволга солиш учун ҳар бирига 25 минг сўмдан пул беришни ваъда қилган. Уларнинг бу «ҳотамтойлик»лари қандай оқибатларга олиб келишини билганлари ҳолда уюшган гуруҳ аъзолари жиноий ишга қўл урадилар.

Шу ўринда интернетдаги хабарларга яна эътибор қаратсак. «Эзгулик» ташкилотининг маҳаллий бўлими фаоллари томонидан битилиб, интернет сайтига жойлаштирилган «Сирдарёда темир йўл шпалларини ўмармоқчи бўлган 6 ўсмирин устидан маҳкама очилди» ёки «Сирдарё вилояти прокуратураси: «Диверсантларга берилган жазо адолатли!» ёйинки «Сирдарёлик диверсантларнинг иши апелляцияда ҳам ўзгармади» сарлавҳали хабарларида қайд этилишича, «...Тун қоронғусида темир йўлни бузмоқчи бўлганларга нисбатан терговлар даврида ўта шафқатсиз қийноқлар қўлланилган ва улар мажбурий иқрорликка келтирилганлар».

Аммо суд ҳукмида келтирилишича, тергов жараёнида жиноятчилар ўз ихтиёрлари билан кўргазма беришган ва воқеа жойида содир этган жиноятларини қай йўсинда амалга оширганликларини кўрсатиб беришган. Уларнинг тергов давомида берган кўргазмалари ҳам, воқеа жойидаги кўрсатувлари ҳам видеотасмаларга олинган. Т.Фатхуддиновнинг уйида холислар иштирокида тинтув ўтказилганда гараж ёнидаги қопда 15 та гайка, мис сим ўрами ҳамда 1 та ключ борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинган.

Яна шуни айтиш лозимки, интернетда ёзилган мазкур хабарлар позицияси ўз-ўзини инкор этади. Яъни хабарда «тун қоронғусида темир йўлни бузмоқчи бўлганлар» дейиладида хабар сарлавҳасида «шпалларни ўмармоқчи» дейилади. Шунингдек, «Ёмоннинг кучи япалоққа етди ёки қутурган миршаблар ҳангомаси» сарлавҳали хабарда ҳуқуқ посбонларининг қутурганлигини исботловчи бирор-бир далил келтирилмайди. Бунинг устига бугунги кун милициясини миршаб дея аташларини қандай тушуниш керак? Ахир миршаблар замони қолибдими? Бугунги милиция олий маълумотли, ўқиган-билган, оқу-қорани таниган, инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун бевосита масъул бўлган халқ вакиллари.

Интернет сайтларидаги яна бир хабарда терговчилар фуқаролиги бўлмаган шахс, яъни судланувчи Давроншоҳ Маҳмадиевга нисбатан миллатчилик руҳида муомала қилган дейилади: «Сен тожикни ким ҳам эшитарди, билиб қўй, бу ер Ўзбекистон!»

Ҳаммамиз яхши биламизки, ўзбек ва тожик эт билан тирноқ. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ўзбекистонда миллатчилик, шовинистик руҳдаги қарашларга йўл қўйилмайди. Бу ўлкада 130 дан ортиқ миллат ва элат истиқомат қилаётганини назарда тутсак, бирор марта бўлсин бир миллат иккинчи миллатдан устунлик қилиб, ҳуқуқларини топташ, поймол қилиш ҳолатлари содир этилгани йўқ. Бу гапларни яқинда, аниқроғи, жорий йилнинг 24 апрелида россиялик журналистнинг гўё Ўзбекистонда рус миллатига мансуб аҳолининг шаъни топталаётгани хусусидаги ёлғондан иборат кўрсатувига муносабат сифатида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган ва «Ўзбекистон» ҳамда «Ёшлар» телеканаллари орқали намойиш этилган «Точка зрения» кўрсатувида интервью берган, сизу биз билан ёнма-ён яшаётган, бир ҳаводан нафас олиб, бир ариқдан сув ичаётган русийзабон халқ вакиллари ҳам яна бир бор тасдиқладилар.

Дарҳақиқат, юртимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият, дея эътироф этилаётганини, унинг амалий рўёбини нафақат ўзбекистонликлар, балки бутун дунё тан олаётгани бор гап. Яна шуни қўшимча қилиш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан ўтган йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида илгари сурган Концепцияда 6 та йўналишнинг барчаси инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтиришга хизмат қилиши алоҳида таҳсинга лойиқ. Бундан ташқари, айни дамда республикамизда «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият» шиори остида ҳуқуқий саводхонлик ойлиги давом этмоқда. Булар эса Ўзбекистон фуқаролари ва бу юртда меҳмон бўлиб турган хорижий фуқаролар ҳуқуқлари топталмаслигига кафолатни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Хўш, инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида юксакларга кўтарилаётган бундай саводхонлик ойликлари яна қайси давлатларда ўтказилмоқдаю, қайси давлатларда унга алоҳида эътибор қаратилмоқда?

Яна судланувчилар ишига қайтадиган бўлсак шуни қўшимча қиламизки, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди қўпорувчилик жиноятини содир этган гуруҳнинг барча аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 161-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор, деб топди ва Т.Фатхуддиновга умумий тартибли колонияда ўташ учун 12 йил, Ҳ.Равшановга жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ учун 12 йил, Ф.Исматуллаевга жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ учун 8 йил, А.Салиевга аввалги жазонинг ўталмай қолган қисмини қўшиб, жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ учун 8 йил 3 ой, И.Мўминовга жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ учун 8 йил, шунингдек, Қ.Худойназаров, Б.Меҳмонқулов, А.Усмонов, Н.Тўлаганов, Д.Маҳмадиевларнинг ҳар бирига умумий тартибли колонияларда ўташ учун 7 йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Халқимизда қасд қилганлар паст бўлади, деган пурмаъно ҳикмат бежизга айтилмаган. Ўзбекистон равнақини кўролмай, ҳасад ўтида ёнаётган айрим кимсалар ўз чоҳига ўзлари қулашини тарихда юз берган воқеалар ҳам исботлайди.

Ҳар бир юртдошимиз шуни унутмасликларини истардик: юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, кунларимиз осойишта ўтиши учун, турли хил кўринишдаги қабиҳ ниятлар амалга ошмаслиги учун янада ҳушёр бўлишимиз лозим.

# Тилсиз ёв таҳдиди

**Табиий офат**

**Маҳмуджон ИЛҲОМОВ,**
Тошкент молия институти доценти,
**Фаҳриддин ҚУЛМАТОВ,**
талаба.



XX асрнинг сўнгги ўн йилида ер юзида содир бўлган жами 10 миллионга яқин ёнғин оқибатида ҳар йили 80 минг киши ҳаётдан кўз юмган бўлса, бугунга келиб, ҳар соатда 8 киши тилсиз ёв ҳамласидан жон таслим қилаётгани, минг-минглаб кишиларнинг майиб-мажруҳ бўлиб қолаётгани таъкидланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам инсоният ўз тараққиёти давомида хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофазалаш каби қатор муаммолар билан курашиб яшашга мажбур бўлмоқда. Табиийки, портлаш ва ёнғинлар кўринишидаги техноген тусдаги ҳолатлар ҳам экологик ва ижтимоий-иқтисодий зарари билан инсониятга таҳдид солаётир. Ёнғинларнинг ҳаво бўшлиғига заҳарли моддалар чиқариши, сувни ифлослантириш орқали одамлар, наботот ва ҳайвонот оламига, кишиларнинг умр кўриш даражасига путур етказаётгани ҳам XXI асрнинг асосий мавзуларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бутунжаҳон ёнғин статистикаси маълумотларига қараганда, дунёнинг энг тараққий этган 20 мамлакатида ёнғин талафотлари ва унга қарши кураш учун сарфланадиган харажатлар ушбу давлатлар ялпи ички маҳсулотининг тахминан 1 фоизини ташкил этар экан. Бу эса жаҳон иқтисодиёти йилнинг 3-4 кунини фақат ёнғинларни бартараф этишга сарфлаётганини англатади.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида хабар қилинишича, ёнғинлар ва унда ҳалок бўлаётганлар сони бўйича Россия ҳаммадан илгарилаб кетган. Ҳалок бўлаётганларнинг 15 фоизи фавқулодда техноген сабабларга кўра ҳаётдан кўз юммоқда. Россия Федерациясида умумий ёнғинларнинг 68 фоизи шаҳарларда юз бераётган бўлса, унинг асосий қисми кўп қаватли уйларга тўғри келади.

Ёнғин — зарарли моддалар генераторлари, иқлим ва ландшафт ўзгариши манбаи, тупроқ эрозияси, ресурсларнинг емирилиши, сув, тупроқ ва атмосферага заҳарли ўт ўчирувчи моддаларнинг чиқарилиши демакдир. Эътибор беринг: Форс кўрфазидаги ҳарбий ҳаракатлар чоғида ҳаво бўшлиғига кунига 4,66 тонна азот оксиди, 27 минг тонна қўрғошин оксиди ва 115 минг тонна бошқа заҳарли моддалар кўтарилган. Ана шу мисолнинг ўзиёқ ёнғинларнинг экологияга нисбатан хавфи нақадар юқори эканини кўрсатиб турибди.

Албатта, ёнғинлар ҳамма замонларда ҳам даҳшатли офат бўлиб келган. Инсоният тарихи Рим (эрамиздан олдинги 70 йил), Лондон (1666), Москва (1812) ва Сан-Франциско каби улкан шаҳарларнинг кулини кўкка совурган даҳшатли ёнғинларга гувоҳ бўлган.

Замонлар алмашди, ижтимоий, техник ва илмий янгиликлар сайёрамиз қиёфасини бутунлай ўзгартирди. Шунга яраша ёнғин ҳам янгича қиёфа касб этиб, ўзгача ижтимоий, иқтисодий ва экологик аҳамиятга эга бўлиб бораяпти. Статистик хизматлар тақдим этаётган маълумотлар ҳам ёнғинлар ва уларда қурбон бўлаётганлар сони ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Ёнғин келиб чиқишига эса табиий, техноген ва ижтимоий омиллар сабаб бўлаётганини мутахассислар бежиз таъкидламаяптилар. Қуёш энергияси, чақмоқ уриши, ўз-ўзидан аланга келиб чиқиши ёнғиннинг табиий сабабларига кирса, электр тармоқларидаги носозлик, иситиш тизимлари ва бошқа муҳандислик тизимларидаги камчиликлар техноген, қасддан ўт қўйиш, чекиш ва олов билан муомала давридаги эҳтиётсизлик, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ижтимоий сабабларга киради. Деярли ҳар йили АҚШнинг Калифорния штати, Жанубий Европа ва Франция, Австралия ёки Узоқ Шарқдаги минглаб гектар майдонларда рўй бераётган ёнғинларга кўпинча инсон омили сабаб бўлаётганини асло унутмаслик керак.

Кейинги 20 йилда 6 маротаба кўпайган ўрмон ёнғинларининг 80 фоизида одамларнинг «қўл»и борлиги аниқланди.

Ана шундай фалокатларнинг олдини олиш учун бугун жаҳонда 2-2,5 миллион ўт ўчирувчи, 6-7 миллион нафар кўнгиллилар ёнғинларга қарши кураш олиб бормоқдалар. Таассуфлар бўлсинки, хизмат бурчини ўташ чоғида ҳар йили 250 га яқин ўт ўчирувчи, аксарият кўнгиллилар ҳалок бўлаяпти.

Тилсиз ёвга қарши курашиш учун сарфланаётган харажатлар эса ўт чиқиши ортидан бой бериладиган талафотлардан 2 баробар ошиб кетмоқда. Оддийгина мисол. Ёнаётган "Запорожец"ни ўт ўчирувчилар ёрдамида ўчириш автомобилнинг нархидан кўра қимматга тушар экан. Мана бу рақамлар ҳам киши эътиборини тортмай қолмайди: узоқ йиллар давом этган Вьетнам уруши якунланганидан сўнг қурбон бўлган америкаликлар сони 46,5 минг нафардан зиёд экани аниқланган. Ана шу йиллар даврида келиб чиққан ёнғинларда эса 144 мингга яқин фуқаро ҳалок бўлган.

Таҳлилчиларнинг гувоҳлик беришларича, мамлакат қанча бой бўлса, қанча энергия ва ёнилғини истеъмол қилса, шунча кўп ёнғин содир бўлар экан. Мана, масалан, жаҳон нефть импортининг ярмидан кўпроғи АҚШ, Япония, Германия, Италия ва Франция ҳиссасига тўғри келади. Энергияни юқори даражада истеъмол қиладиган мамлакатлар тоифасига Буюк Британия, Хитой, Россия, Польша, Австралия, Голландия, Ҳиндистонни ҳам киритиш мумкин. Дунёдаги ёнғинларнинг асосий қисми эса айнан ана шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хўш, одамлар тилсиз ёв деб аталмиш оловни енгишга қодирмилар? Асримизда ана шундай мудҳиш ҳодисалар сони камаядими, йўқми, деган саволлар инсониятга тинчлик бермаётгани сир эмас.

# Байрам тарбия демакдир

**Анъана**

**Тоҳир ҲАҚҚУЛОВ,**
А.Қодирий номидаги ТДМИ 2-курс магистранти.



Инсоният турмуш тарзида байрамлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Инсоният ҳаётини байрамсиз, анъана, маросим, урф-одатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Байрамлар жамиятнинг маънавий гўзаллигини, халқнинг яшаш тарзи, турмуш шароитини дунёга кўз-кўз қилувчи асосий воситадир. Бирор давлатда нишонланаётган миллий байрамлар ёки жаҳон миқёсидаги тадбирларни кузатар эканмиз ўша давлатнинг миллийлиги, ўзига хос урф-одатларини ўрганамиз. Демакки, байрам ҳаётнинг энг нафис ва нафосатли хислатларини намойиш этувчи кўзгудир. Байрам жамиятнинг ўтмиши, бугуни, эртасидан далолат берувчи жонли манбадир.

Шарқнинг буюк олими Маҳмуд Қошғарий «Байрам — халқнинг шодлик ва ҳунармандчилик кунидир», деган эди. Бирор-бир муҳим ижтимоий воқеа, санани кўпчилик бўлиб, кўтаринки руҳда, хурсандчилик билан нишонлаш байрам деб тушунилади.

Неча асрларки байрамлар ҳам инсон маънавияти кўзгуси, тарбия воситаси сифатида нишонланиб келинмоқда. Байрамлар орқали шахс тарбиясига таъсир кўрсатиш, инсонларни илғор ғоялар орқали келажакка ишонтириш, жамият равнақи ва фаровонлигини намойиш этиш ҳар бир давр байрамининг асосий мақсади саналиб келинган.

Тарих шуни исботлайдики, байрамлар маъноси, ғояси халқнинг ўйи, дарди, орзу-умидлари асосида пайдо бўлган ва ўзгариб, ривожланиб борган.

Байрамлар ҳам жамиятдаги ўзгаришларга қараб, маълум даражада ўзгариб боради. Янги байрамлар пайдо бўлади. Лекин бу билан байрам шодиёнаси, инсонлар хурсандчилиги ўзгармайди. Инсон байрам кунлари ўз ҳаётидаги ташвишларни унутиб, янги либослар кийишга, ўйин-кулги билан ғуборини ёзишга ҳаракат қилади.

Байрам — ўзига хос, кўп томонли ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳар бир инсонни, жамиятнинг ҳаётини намоён этади. Унинг барча дунё халқлари орасида тарқалганлигидан, байрамларнинг инсон ва жамият учун ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган бебаҳо бойлик эканлигига амин бўламиз.

Ўзбек халқининг ҳам энг қадимги даврлардан шакллана бошлаган, асрлар бўйи авлоддан-авлодга ўтиб камол топиб, бебаҳо меросига айланган байрамлари кўп. Бу байрамлар энг қадимий даврларда халқ оммаси эҳтиёжи билан шакллана борган, ижтимоий зарурат асосида ривожтопган ва бошқа халқлар тажрибаси билан бойиб келган.

Байрам инсонларнинг эстетик кечинмаларига таъсир қилиб, шахснинг маънавий дунёсини бойитадиган воситадир. Байрам ва томошаларнинг асосини миллий қадриятларга бўлган ҳурмат, эҳтиром эгаллаб, инсонларга бадиийлик, санъат орқали эстетик завқ бағишлашдек вазифалар устувор туради.

Майдонларда, боғларда, кўчаларда ўтказилаётган оммавий тадбирлар, карнаваллар, сайиллар, фестивалларда эстетик завқ бағишлаб, байрамона кайфиятни вужудга келтиради. Чунончи, байрамларда инсонлар янги, гўзал кийимлар кийишади, лаззатли таомлар тайёрлашади, ҳамма кўтаринки кайфиятда бўлади. Байрамларнинг афзалликлари ҳақида қанча гапирсак оз, у кенг халқ оммасини ўзига жалб қилиб, маданий, маънавий озуқа бериб, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини кенг намойиш қилади.

Ўзбекистон байрамларида анъанавий халқ педагогикаси катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунгача бу анъаналар бизга етиб келган. Айниқса, инсонлардаги бир-бирини эъзозлаш, катталарни ҳурмат қилиш, эзгуликка интилиш, гўзалликни асраш, миллий қадриятларни қадрлаш, илм-фанга интилиш, ватанни севиш каби чуқур фалсафий ғоялар илгари сурилиб, тарбиянинг пойдевори бўлиб хизмат қилган. Замонавий байрамларимизда ҳам ана шу халқ педагогикасининг асосий ўгитлари сақланиб қолган.

Сўнгги саҳифа

# “Ватанни севмоқ иймондандур...”




**Шамсия ХУДОЙНАЗАРОВА,**
журналист.

Муқаддас ўгитларда таъриф этилганидек: “Иймон шундай гўзал туйғуки, унга бир бор ошно бўлганлар қайтиб ундан воз кечолмаслар...” Истаган одамингизни тўхтатиб сўранг: “Сиз виждонли, иймонлимисиз?” — деб. Ишонч билан айта оламанки, у албатта, “ҳа!” — дея жавоб беради. Демакки, ҳар ким ўзини шу гўзал туйғуга дахлдор деб билади. Аниқроғи, даъво қилади. Гўзаллик, эзгуликка даъвогарлик — яхши ҳол, албатта. Аммо ана шу “ҳа” деган жавобнинг ортидаги виждоннинг, иймоннинг ҳоли нечук? Жавобни дадил айтаётган одам ҳеч кечиб бўлмас бу туйғуни нечоғли парвариш этаяпти, асраб-авайлаяпти? Бу бебаҳо туйғунинг мусаффолигига дарз етказмадими? Биз ўйлаганимиздан-да мураккаброқ ҳаётнинг каттаю кичик, енгил-у оғир синовларида уни бой бериб қўймадимикин?..

Инсон — сирли хилқат. Унинг ичини фақат Яратганнинг ўзигина билади. Ва ҳаётини ҳам дилу ниятига қараб йўналтиради. Дунё дунё бўлиб яралибдики, яхшилик ва ёмонлик, маърифат ва хурофот, эзгулик ва жаҳолат сингари бир-бирига мутлақ қарама-қарши ғоялар ўртасида курашлар бор. Бу курашлар сўнггида ҳамиша эзгу ғоялар ғолиб чиқиши замонлар оша қайта ва қайта ўз исботини топган зўр ҳақиқатдир!

Демак, инсоннинг ич қалъаси, яъни иймон-эътиқодининг мустаҳкамлиги ва ростлиги ҳам ана шу ҳеч қачон йиқиб бўлмайдиган ҳақиқат сингари собитдир!

Агар таъбир жоиз бўлса, **иймон — инсон маънавиятининг ўқ томири, туб ва муҳим илдизидир**, дея айтгим келади...

Негаки, маънан баркамол инсон ўзини-да, ўзгаларни-да алдамайди. Бошқачароқ айтадиган бўлсак, бировни алдашни ўзини ўзи алдашдек ҳақоратомуз ва аҳмоқона иш деб билади. Қолаверса, дилу ниятини ўзгалардан беркитиши мумкин, аммо ўзидан, унинг зоҳирию ботинидан бохабар. Яратганнинг назаридан беркита олмаслигини, ҳар бир хатти-ҳаракатнинг муқаррар ҳисоб-китоби борлигини чуқур ҳис қилган ҳолда ростлик ва ҳалоллик йўлидан боради. Бу йўл инсоният орзу қилган ва ҳамма ҳам етиша олмайдиган улуғ ва узун бир йўлдир! Айнан кўпларнинг нигоҳи қадалгани учун ҳам машаққати бисёр бу йўлнинг... Бироқ бу йўлни танладингми, ортга қайтиш йўқ!

Иймони мустаҳкам, маънавияти бутун инсон ҳаёт синовларини мардонавор енгиб ўта олади. Ўткинчи ҳою ҳаваслардан ўзини тияди. Эл манфаатини шахсий манфаатидан устун қўя билади. Юрт, Ватан равнақи учун эзгу ишларни амалга ошириш орзусида яшайди. Ҳаёт сиру синоатларга, синовларга тўла. Бу синовлар ичра енгилмай, арзимас манфаатлар учун ўзини бой бериб қўймай, иймонни саломат сақлаб қолиш улуғ бахт ва улуғ ирodадан далолат. Зеро, иймонни асраш — Ватанни асраш демак. Ватанни севиш эса иймондандур...

Ватан худди иймон сингари бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Ватан бизнинг ичимиздадир! Ватан ич-ичимиздан, қалбимизнинг қўрларидан, юраклардан бошланади! Чунки, юракда Ватан туйғусини шакллантирмай туриб, дилда юрт дея ёниб турган бир қўрни бунёд этмай туриб, Ватанга бўлган муҳаббат, элюртга садоқат борасида лутф айламоқ ножоиз. Ватан туйғуси фақат уйғоқ қалблардагина барқарор бўлади!...

Илло, юрт, Ватан олдида ҳамиша қарздормиз. Худдики, онанинг беминнат ва бепоён меҳри олдида қарздор бўлганимиз сингари... Чунки унинг ҳаққини адо этмоқлик мушкул... Элу юрт, Ватан олдида барчамиз бирдек бурчлимиз. Фақат бу бурчни, масъулиятни нечоғли англаш, ҳис қилиш ҳар кимнинг ақлу иродаси, қунти, маънавий мезонларига, қолаверса, виждонига боғлиқ ҳодиса. Шу ўринда Юртбошимизнинг мазкур сўзлари ёдга тушади: **“... Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгишга қодирдир. Энди ортга йўл йўқ. Ўзбекистон истиқболини собитқадамлик билан барпо этмоғимиз зарур. Бу йўлда иккиланмоқ, манфаатпарастликнинг майда-чуйда ташвишларига ўралашмоқ — Ватанга, халққа, келажак авлодга хиёнат бўлади!”**

Иймон-эътиқоди мустаҳкам одам ҳеч қачон ўз халқи, киндик қони томган муқаддас Ватанига хиёнат қилмайди. Бу ҳикматни пухта англаган замондошларимиз юрт кўрки, миллат равнақи учун эзгу ишларни амалга ошириб, элда эъзоз топмоқдалар. Юртни қадрлаб, қадр топаётган замондошларимизнинг саъй-ҳаракатлари сабаб юртимиз том маънода ислоҳотлар диёрига айланди. Жаҳоннинг кўпгина давлатларида иқтисодий инқироз ҳукм сураётган бир паллада бизнинг мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ҳар жабҳада олиб борилаётган улкан ислоҳотлар, ижобий ўзгаришларни мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида кўришингиз мумкин. Яқин ўтмишда одамлар ҳатто тасаввурига ҳам сиғдира олмаган кенг ва равон автомобиль йўллари дейсизми, муҳташам бинолар, мустаҳкам кўприклар ва юрт сарҳадлари бўйлаб узанган узун темир йўллар дейсизми, ёхуд мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий автомобиллар дейсизми, буларнинг бари истиқбол сари дадил одимлаётган мамлакатимизнинг қиёфасини кўрсатиб туради.

Кундан-кунга кўрк очиб бораётган она диёримизга, эртанинг ширин ташвишлари билан елиб-югураётган юртдошларимизга боқиб, келажакка бўлган ишончимиз янада мустаҳкамланади. Элпарварлик, ватанпарварлик, умуман, инсонпарварлик ҳисси билан яшаётган юртдошларимизга тасаннолар айтгимиз келади.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол, ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилган энг муҳим вазифалардан бирига айланди.

Хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, таълим тизимини ислоҳ қилиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, спортни ривожлантириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида изчил сиёсат юргизилиб, катта ютуқлар қўлга киритилдики, бу муваффақиятлар ўз ўрнида келажак учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўташи шубҳасиздир.

...Минг-минг йилларки, Ўзбекистон деб аталмиш улуғ ўлкада ҳалол меҳнат ила ҳаёт кечириб, шукроналик келтирадиган одамлар яшаб келаётир. Икки улуғ дарё — Аму ва Сирнинг шароридан ўз қалбларининг тўлқинларига куч олиб умргузаронлик қилаётган бу элнинг томирларини чуқур илдиз отган азим бир чинорга менгзатиш мумкин.

Бу эл, бу Ватан ҳақида ўй сурганингда қалбингга ўлмас зиёлар оқиб киради. Кўнгил сарҳадларида азим дарёлар жўш ургандек бўлади. Туйғулар теранлашади. Ватан ишқи инсонни руҳан ва қалбан юксалтиради.

Зеро, миллатни ана шундай чўнг туйғулар, чўққилардек улуғвор ва мустаҳкам эътиқод, ҳамжиҳатлик, чуқур билим, емирилмас ирода ҳамда қатъият юксалтиради!

# Беғубор орзулар остонасида

**Сарвар ЎРМОНОВ**
(ЎзА) олган сурат

Мактаб — мўътабар даргоҳ. Маънавият, таълим-тарбия, покиза ва беғубор орзулар ошёни. Мустақил ҳаёт остонаси, ўқув фанлари билан бирга одамийлик сабоғини мурғак қалбларга жо этгувчи маскан.



Маърифий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида жаҳон андозалари даражасидаги билим масканлари бунёд этилиб, улар энг замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси билан таъминланмоқда. Мактабларнинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизими жорий этилди. Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мактабларда ўқитиш сифати тубдан яхшиланди. Давлат таълим стандартлари такомиллаштирилиб, ўқув дастур ва режалари тўлиқ янгиланди. Умумтаълим фанлари бўйича мавзулар оптималлаштирилиб, ўқувчиларнинг ёши, дунёқараши, фикр тарзига мослаштирилди. Бу эса ўғил-қизларнинг фанларни тез ва пухта ўзлаштиришида муҳим омил бўлмоқда.

25 май куни юртимиздаги барча умумий ўрта таълим мактабларидаги каби сўнгги қўнғироқ садолари тадбири Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги 91-сонли ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактабида ҳам эрта тонгданоқ қалби ҳаяжонга тўлган ўқувчилар, уларнинг устозлари, ота-оналари, жамоатчилик вакиллари тўпландилар.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига биноан капитал реконструкция қилинган ушбу ўқув муассасасида 762 нафар ўғил-қиз билим олади. Ҳар қачонгидан ҳам кўркам қиёфа касб этган мазкур мактабда фаоллар зали, ахборот-ресурс маркази, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланган ўқув-машғулот хоналари, спорт зали ва стадион ўқувчилар ихтиёрида. Машғулотларнинг илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этилиши ҳар бир ўқувчининг таълим-тарбиясига индивидуал ёндашиш имконини бераётир. Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг турли фанлар бўйича шаҳар ва республика миқёсидаги олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этишига хизмат қилмоқда.

...Ўқувчилар катта ҳаяжон билан сўнгги қўнғироқ тадбирига йиғилган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди. Байроғимиз мағрур ҳилпирайди. Барча билим масканларида бўлгани каби ушбу мактабда ҳам сўнгги қўнғироқ тадбирлари **«Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!»** шиори остида ўтказилди.

Илғор педагоглар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари иштирокида ўтказилган, илм-маърифат байрамига айланган ушбу тадбирда барчамиз учун энг улуғ ва олий қадрият — истиқлол, унинг мазмун-моҳияти, инсон манфаатлари устувор бўлган юртимизда турли жабҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқлар, ёш авлод учун яратилган шароит ва имкониятларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Ўқувчилар буюк аждодларимизга, она Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга, билдирилган юксак ишончни оқлашга қасамёд қилдилар. Тадбирда ўқув йили давомида турли фанлар, бадиий ижодиёт, маданият ва санъат, спортда яхши кўрсаткичларга эришган, ўқув-маърифий, жамоат тадбирларида фаол иштирок этган ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди. Ватанни, мустақиллигимизни, осойишта ва фаровон кунларимиз, навқирон авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган меҳр-эътиборни тараннум этувчи шеърлар, куй-қўшиқлар янградi.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, 2010-2011 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг тўққизинчи синфини 591 минг нафар ўқувчи тамомлади. Улар таълимнинг навбатдаги – ўрта махсус, касб-ҳунар тизими билан тўлиқ қамраб олинади. Буларнинг барчаси юртимизда навқирон авлод камолоти ва истиқболи йўлида кўрсатилаётган улкан меҳр ва эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

**Суратда:** *Яккасарой туманидаги 91-сонли ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби (ўртада) 1-синф ўқувчиси Фарангиз Қобулжонова, 9-синф битирувчиси Юсуфали Хўжаев.*

# Белида белбоғи маҳкам партиядошимиз

**Ифтихор**

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Наманган вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Мамлакатимизда спорт соҳасига берилаётган эътибор самараси ўлароқ, мустақиллик йилларида спортчиларимиз жаҳон миқёсида улкан ютуқларга эришаётгани ҳаммамизга маълум. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуслари билан уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол Авлод”, “Универсиада” спорт ўйинларининг ташкил этилгани ёшлар учун кенг имкониятлар эшигини очди.



Газетамизнинг ўтган сонларида Белбоғли кураш бўйича қўлга киритилаётган ғалабалар ҳақида маълумот берган эдик. Мамлакатимиз довруғини дунёга танитаётган, ўзининг ёрқин ғалабалари билан ном қозонган бу галги қаҳрамонимиз Тўрақўрғон кураш мактаби тарбияланувчиси, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси Рустамжон Умаровдир.

Мазкур даргоҳдан кўпгина кураги ерга тегмаган полвонлар етишиб чиқмоқда. Айниқса, мактабнинг курашчилар сулоласи асосчиси Тўйчи полвон Сиддиқов номи билан аталаши кишини қувонтиради. Халқаро тоифадаги спорт устаси боболарига муносиб издош бўлиб, катта ютуқларга эришиб келмоқда.

1985 йилда таваллуд топган Рустамжон юртимизнинг кўзга кўринган спортчиларидан бири сифатида танилди. Айни пайтда у Неъматжон Тўйчиев мураббийлигида машғулотларни давом эттирмоқда.

“Умид ниҳоллари”, “Универсиада” спорт ўйинларининг тўрт карра ғолиби бўлган полвон 2008 йилда Белбоғли кураш бўйича учинчи маротаба Жаҳон чемпионлигини қўлга киритиб, Юртбошимиз томонидан “Матиз” автомобили билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, бундай ютуқлар замирида ҳукуматимиз томонидан спортчиларга хусусан, ёшларга яратиб берилаётган шароитлар ва улкан рағбат ётганини таъкидлаш жоиз.

— Спортчи бўладими ёки бошқа соҳа вакилими, сиёсий билим, сиёсий саводхонлик, жуда муҳим, — дейди чемпион. — Вилоятимизнинг чекка ҳудудларидаги ёшларнинг мақсад ва интилишларини рўёбга чиқаришда “Адолат”чиларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Шу сабабдан биз, спортчилар орасида Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади. Чунки партиянинг дастурий режалари ҳаётийлиги билан ёш спортчиларга маъқул тушаяпти.

Барча белида белбоғи маҳкам партиядош спортчиларимиз қатори Р.Умаровга ҳам доим юксак ғалабаларни тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Осиё универсал жанг федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази томонидан ташкил этилган мусобақада қитъамизнинг ўндан зиёд давлатидан кучли спортчилар ғолиблик учун куч синашмоқда.

## Осиё чемпионати бошланди

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
ЎзА мухбири

Универсал жанг бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари халқаро майдонларда кўплаб ютуқларга эришмоқда. Жумладан, 2010 йил Россиянинг Мединь шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Д.Субҳонов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, Ж.Омонов кумуш, С.Эшонбоев ва Н.Долимов бронза медални қўлга киритди.

“Ўзбекистон” спорт мажмуасида 27 майга қадар давом этадиган Осиё чемпионати баҳсларида спортчилар универсал жангнинг тўсиқлардан ўтиш, пичоқ отиш, милтиқдан отиш ва якка-ма-якка беллашиш баҳсларида ўз маҳоратини намойиш этмоқда. Чемпионатда мамлакатимиздан А.Абдуллаев, Ж.Омонов, Н.Долимов, М.Тоштурғунов сингари тажрибали универсал жанг усталари билан бирга кўплаб ёш спортчилар ҳам иштирок этмоқда.

*Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман Ибн Сино мавзеси 14-уй 18-хонадонга тегишли бўлган Ғиёсов Нодир Ильясович номига 12.03.1993 йил №09-02/ 6979 рақамли уйга эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолгани сабабли* **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

# Ҳамюртларимиз муваффақияти

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон кубогининг биринчи ва иккинчи босқич мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтди.



Польшанинг Познань шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогининг биринчи босқич баҳсларида каноэда 1000 метрга эшкак эшиш бўйича эркаклар ўртасидаги яккалик беллашувлари жаҳоннинг энг кучли каноэчиси — ўзбекистонлик Вадим Меньков ғалабаси билан якунланди. Вадим Меньков яна бир моҳир спортчимиз — Мерей Медетов билан ҳамкорликда жуфтлик беллашувларида 500 метрга каноэда эшкак эшишда маррага иккинчи келди.

Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи кумуш медални тўртликлар ўртасида 1000 метрга каноэда эшкак эшиш баҳсларида қўлга киритди. Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Мерей Медетов ҳамда Мирзиёд Ҳожиев белгиланган масофани иккинчи бўлиб босиб ўтди.

Чехиянинг Рачица шаҳрида ўтган жаҳон кубогининг иккинчи босқич мусобақасида эса ҳамюртимиз В.Меньков кумуш медаль билан кифояланди. Бу сафар тажрибали спортчимиз 1000 метрга каноэда эшкак эшиш бўйича яккалик баҳсларида маррага Олимпия ўйинлари ғолиби канадалик Марк Олдершоудан кейин етиб келди. Мусобақанинг тўртликлар ўртасида 1000 метрга каноэда эшкак эшиш баҳсларида иштирок этган Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Мерей Медетов ва Мирзиёд Ҳожиев бу сафар ҳам Польшадаги натижасини такрорлади ва кумуш медалга сазовор бўлди.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

Бош муҳаррир: Худоёр МАМАТОВ
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ҚЎЛДОШЕВ.
Навбатчи — Н. АБДУХАЛИЛОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
adolat_gazeta @mail.ru
t — Тижорат мақола белгиси.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—500. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6789.
Босишга топшириш вақти — 21.30 Босишга топширилди — 21.45
1 2 3 5